

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**«Бизнес ва иқтисодиёт» кафедраси**

**Б. Махмудов**

**Х.Хўжаев**

**«Макроиктисодиёт»**

**фанидан масалалар тўплами**

**Тошкент - 2006 й.**

## Кириш

“Макроиктисодиёт” фани барқарор иқтисодий ўсиш, ресурсларнинг тўла бандлиги, инфляциянинг энг паст даражаси ва тўлов баланси мувозанати шароитларини таъминлаш нуқтаи назаридан иқтисодиётни яхлит ўрганеди.

Фаннинг асосий мақсади- макроиктисодиётни ўрганиш жараёнида талабаларга бозор муносабатларига ўтиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий вазиятни тўғри баҳолаш ва уни таҳлил қилиш кўникмаларини, инфляция ва ишсизлик жараёнлари, уларни мувофиқлаштиришда давлат қўллайдиган тартибга солиш усулларини ўргатишдир.

Фанни ўрганиш жараёнида маъруза, семинар ва амалий машғулот каби ўқитиш шакллари қўллаш, шунингдек, тестлар, масалалар ечиш, оғзаки савол-жавоб усулларидан фойдаланиш кезда тутилган.

Фаннинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур тўплам талабаларга макроиктисодиётдан турли мавзулардаги масалаларни ҳал этиш учун кўникмаларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур тўпламдан барча қизиқувчилар: талабалар, дарс олиб боровчи профессор-ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин.

## Мавзу: Макроиқтисодий кўрсаткичлар.

### Масалалар

1. Устахонада қиймати 200 доллар бўлган костюм тикилди. Газмол, ип, тугмаларнинг қиймати 80 долларга тенг, амортизация 20 долларни, олинган қарз учун фоизлар тўлаш 10 долларни, устахона ишчиларига иш хақи 70 долларни, фойда 20 долларни ташкил этди. Костюмни тикиш натижасида яратилган қўшимча қиймат миқдорини аниқланг.

2. Иқтисодиётда иккита товар, яъни X - истеъмол неъмат ва Y - капитал яратилади. 1 йил мобайнида 500 бирлик X (1 бирлигининг баҳоси - 2 сўм) ва 20 бирлик капитал (баҳоси 10 сўмдан) яратилди. Йил охирида 5 бирлик капитал янгисига алмаштирилиши лозим. Ялпи ва соф инвестициялар ҳажмини, ялпи ички маҳсулот ва соф ички маҳсулотни аниқланг.

3. Ялпи ички маҳсулот, соф ички маҳсулот ва миллий даромадни ҳисобланг (млрд. долларда):

Амортизация	20
Корпорация фойдаси	80
Бизнесга эгри солиқлар	10
Корпорация фойдасига солиқ	20
Дивидендлар	45
Корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси	15
Шахсий жамғармалар	35
Иш хақи	300
Экспорт	40
Импорт	30
Товар ва хизматларни давлат ҳариди	80
Шахсий истеъмол ҳаражатлари	320
Соф хусусий ички инвестициялар	40
Ижара хақи ва капиталга фоизлар	30
Трансферт туловлари	25

4. Маълумотлардан фойдаланиб шахсий ихтиёридаги даромадни ҳисобланг.

Ялпи ички маҳсулот	5233
Амортизация ажратмалари	552
Бизнесга эгри солиқлар	416
Корпорация фойдаси	298
Ижтимоий суғуртага бадаллар	479
Дивидендлар	112
Уй хўжалигига давлат трансфертлари	600
Фуқаролардан даромад солиғи	649

5. Иқтисодиётнинг қуйидаги кўрсаткичлари берилган:

Соф хусусий ички инвестициялар	32
Якка тартибдаги солиқлар	39
Трансферт тўловлари	19
Бизнесга эгри солиқлар	8
Корпорация даромадига солиқлар	11
Шахсий истеъмол учун ҳаражатлар	217
Истеъмол қилинган капитал қиймати	7
Экспорт	15
Дивидендлар	15
Товар ва хизматлар учун давлат ҳаражатлари	51
Ижтимоий суғуртага бадаллар	4
Импорт	17

Жадвал маълумотларидан фойдаланиб, 1) корпорация фойдасини; 2) соф экспортни; 3) ялпи ички маҳсулотни; 4) соф ички маҳсулотни; 5) ялпи хусусий ички инвестицияларни; 6) шахсий жамғармани ҳисобланг.

6. Иқтисодиётнинг қуйидаги кўрсаткичлари берилган (млрд. долларда):

Шахсий истеъмол ҳаражатлари	245
Трансферт тўловлари	12
Ижара хақи	14
Амортизация	27
Ижтимоий суғуртага бадаллар	20
Фоизлар	13
Мулқдан келадиган даромад	31
Соф экспорт	3
Дивидендлар	16
Ёлланма ишчиларнинг иш хақиси	221
Бизнесга эгри солиқлар	18
Корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси	21
Якка тартибдаги солиқлар	26
Корпорация фойдасига солиқ	19
Корпорация фойдаси	56
Товар ва хизматларни давлат ҳариди	72
Соф хусусий ички инвестициялар	33
Шахсий жамғармалар	16

Юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, ялпи ички маҳсулотни, соф ички маҳсулотни, ихтиёридаги шахсий даромадни ҳисобланг.

7. X мамлакат иқтисодиётида фақат икки хил неъмат: буғдой ва олма ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш (минг тоннада) ва нархлар (1 тоннаси учун минг сўмда) икки йил учун қуйидагича бўлган:

	Ишлаб чиқариш		Нарх	
	Буғдой	Олма	Буғдо	Олм
2003	500	150	10	6
2004	450	250	24	8

Номинал ва реал ялпи ички маҳсулотни 2004 йилдаги истеъмол нархлари индексини ва ялпи ички маҳсулот дефляторини ҳисобланг.

8. Фараз қилайлик, иқтисодиётда товарларнинг фақат икки тури, яъни А ва В товарлар ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади. Қуйидаги маълумотлардан фойдаланиб, номинал ва реал нарх индексларини ва ялпи ички маҳсулот дефляторини ҳисобланг. Бунда 2000 йилни асос сифатида қабул қилинг.

	Товар А		Товар В	
	Даром ад ҳажми	Нарх	Даром ад ҳажми	Нарх
2000	200	10	1000	5
2004	1500	2	1500	10

9. Фараз қилайлик, фақат уч хил товар: А, В ва С ишлаб чиқарилади. 2003 ва 2004 йилларда ушбу товарларнинг нархи ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳақидаги маълумотлар маълум:

Товар хили	2003		2004	
	Миқдор	Нарх	Миқдо	Нарх
А	5	2	4	3
В	4	3	4	5
С	3	4	4	6

1) номинал ва реал ялпи ички маҳсулотни, 2) истеъмол нархлари индекси ва ялпи ички маҳсулот дефляторини (2003 йилни асос сифатида қабул қилинг), 3) ялпи ички маҳсулотни ўсиш суръатини ҳисобланг.

10. Жадвални тўлдилинг:

Йил	Номинал ялпи ички маҳсулот	Нарх индекси	Реал ялпи ички маҳсулот
2000	104	121	?
2003	56	91	?
2005	91	100	?

11. 2003 йилдан 2004 йилгача ялпи ички маҳсулот 500 млрд. сўмдан 800 млрд. сўмгача кўпайди. Ялпи ички маҳсулот дефлятори 50% га ўсди. 1 йил ичида реал ялпи ички маҳсулот қанчага кўпайган?

12. Фараз қилайлик, асос қилиб олинган йилда номинал ялпи ички маҳсулот 500 ни ташкил этган. 6 йилдан кейин ялпи ички маҳсулот дефлятори 2 марта кўпайди, реал ялпи ички маҳсулот эса 40% га ўсди. Ушбу ҳолда номинал ялпи ички маҳсулот 6 йилдан сўнг \_\_\_\_\_ млрд долларни ташкил этди.

13. Икки йил учун қуйидаги маълумотлар мавжуд:

	Номинал ялпи ички маҳсулот	Ялпи ички маҳсулот дефлятори
2000	96 млрд.доллар	100%
2004	48 млрд.доллар	75%

Агар 2000 йилни асос қилиб олинган давр сифатида қаралса, 2004 йилда реал ялпи ички маҳсулот қандай бўлган?

14. Ушбу йилда иқтисодиётда истеъмол ишлаб чиқарилганга қараганда кўпроқ бўлса, захирага ялпи инвестицияларнинг камайиши миқдори ушбу йилдаги ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашда қўшилиши лозим.

### Мустақил иш

Даромад	Истеъмол
50	0
100	100
200	150
300	200
400	250

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида графикни чизинг, иқтисодиётдаги истеъмол ва жамғарма эгри чизиқларининг оғишини аниқланг ҳамда уларнинг функциясини ёзинг.

2.

Чипта нархи	Тамошабинлар сони (минг киши)
25	0
20	4
15	8
10	12
5	16
0	20

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида графикни чизинг, «Ситора» гуруҳи концертига бўлган талаб эгри чизигининг оғишини аниқланг ва бу функцияни алгебраик кўринишини ёзинг.



## Мавзу: Иқтисодий ўсиш моделлари

### Масалалар

1. Фараз қилайлик, ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишга эга:  $Y = A * K^{0.3} L^{0.7}$

а) Агар омилларнинг умумий унумдорлиги ҳар йили 2% га ўсса, капитал миқдори ва ишчилар сони эса бир йилда 1% га кўпайса ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатини ҳисобланг;

б) Агар капитални жамғариш даражаси 2 марта кўпайса ва йилига 2% га етса, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатини ҳисобланг.

2. Айтайлик, ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлсин:  $Y = A * K^{0.4} L^{0.6}$

Агар омилларнинг ялпи унумдорлиги 2% суръат билан ўсса, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати йилига 3,4 %, ишловчилар сони йилига 1% суръат билан ўсса, капиталнинг йиллик суръати қуйидагича ўсади:

а) 0,4%;    б) 1,4%;    в) 2%;    г) 0,8%

3. Фараз қилайлик, ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишга эга:  $Y = AF(K,L)$ . Капиталнинг даромаддаги доимий улуши 0,5 га тенг. Айтайлик, ишлаб чиқариш 4% га ўссин, меҳнат сарфи 3% га, капитал захираси 2% га ўсади. Ушбу ҳолда «Солоу қолдиғи» нимага тенг?

а) 0,5%;    б) 1,0%;    в) 1,5%;    г) 2%

4. Капиталнинг миллий даромаддаги улуши  $\frac{2}{3}$  ни ташкил этади.

а) меҳнат ресурслари 5% га кўпайганда, ялпи ички маҳсулот миқдори қандай ўзгаради;

б) биринчи йилда жамият 6 бирлик капитал ва 3 бирлик меҳнатга эга. Бунда 12 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Кейинги йилда капитал миқдори 7 бирликка, меҳнат ресурслари миқдори эса 4 бирликка етди. Ялпи ички

маҳсулот миқдори 14 ни ташкил этди. Ишлаб чиқариш омилларининг ялпи унумдорлиги ( $\Delta A/A$ ) қандай ўзгарди?

5. Йил давомида иқтисодиётда (иш билан банд бўлганлар) бандлар сони 2% га, инвестиция ресурслари миқдори эса 6% га кўпайди. Иш ҳақининг миллий даромаддаги улуши 80% ни ташкил этади. Ялпи миллий маҳсулот бир йилда 5% га ўсди. Иқтисодий ўсишда интенсив омилларнинг улуши қандай?

6. Агар ялпи ички маҳсулотнинг кўшимча ўсиши йилига 5% ни, капитал қайтими кўрсаткичи эса  $v=0,5$  ни ташкил этса, жамғариш меъёри (нормаси) нимага тенг бўлади?

7. 2000-2004 йилларда ривожланаётган мамлакатларда жамғарилган капитал ҳажми ўртача 7,3% га ўсган, капитал қайтими коэффиценти эса йилига 0,5% га пасайган. Демак, ялпи ички маҳсулотнинг кўшимча ўсиш суръати йилига \_\_\_\_\_ ташкил этган.

8. 2000-2004 йилларда ривожланаётган мамлакатларда (иш билан банд бўлганлар) бандлар сони ўртача 2,1% га, меҳнат унумдорлиги эса йилига 3,5% га кўпайган. Демак, ялпи ички маҳсулотнинг кўшимча ўсиш суръати ушбу даврда йилига \_\_\_\_\_ ташкил этган.

9. Капитал кўшимча ўсишининг ўртача йиллик суръати унинг сифат таркиби ўзгаришини ҳисобга олмаганда  $K - 6,1\%$  ни ташкил этди, бандликни кўшимча ўсишининг ўртача йиллик суръати эса ишчи кучи сифатидаги ўзгаришларни ҳисобга олганда (умумий ва касбий таълим) 3,9% ни ташкил этди. Хар бир омилнинг ялпи ички маҳсулотни яратишдаги ҳиссасининг нисбати 50:50 ни ташкил этади. Ушбу даврда ялпи ички маҳсулотни ўсиш суръати йилига 6,1% ни ташкил этган.

Омиллар ялпи самарадорлигининг ўсиш суръатини аниқланг.

10. Агар капитални ўсиш суръати унинг сифат таркибидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаганда йилига 7,2% ни, бандликнинг ўртача йиллик ўсиш суръати эса ишчи кучи сифатидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаганда йилига 4,1% ни, уларни ялпи самарадорлигини ўсиш суръати йилига 0,6% ни ташкил этган, хар бир

омилнинг ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси нисбати 50:50 га тенг бўлган бўлса, ялпи ички маҳсулотни йиллик ўсиш суръати нимага тенг бўлади?

11. 2000-2004 йилларда жамғариш меъёри (нормаси) давр мобайнида ўртача ялпи ички маҳсулотнинг 12,9% ни, унинг самарадорлиги (капитал қайтими коэффиценти) эса 0,45 ни ташкил этган. Демак, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ушбу даврда ривожланаётган мамлакатларда йилига \_\_\_\_\_ % ни ташкил этган.

12. Фараз қилайлик, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати 3,5%, меҳантга капитал билан таъминланганлигининг ўсиш суръати 45 га тенг. Капитал қайтими коэффиценти нимага тенг ва у нимадан далолат беради?

13. Фараз қилайлик, Солоу моделида ишлаб чиқариш функцияси куйидаги кўринишга эга:

$$Y = \sqrt{k}$$

а)  $Y$  нинг  $s$ ,  $n$ ,  $g$  ва  $\delta$  ларнинг функцияси сифатида барқарор миқдори ифодаланг;

б) ривожланган мамлакатларда жамғариш даражаси 28% ва аҳолининг йиллик ўсиш суръати 1%. Ривожланаётган мамлакатда жамғариш даражаси 10% ва аҳолининг йиллик ўсиш суръати 4%. Иккала мамлакатда ҳам  $g = 0,02$  ва  $S = 0,04$ . ҳар бир мамлакат учун  $Y$  нинг барқарор миқдори топинг;

в) ривожланаётган мамлакат ўз даромади даражасини кўтариш учун қандай сиёсатни ўтказиши мумкин?

14. Ишлаб чиқариш ҳажми ва ресурс миқдори ўртасидаги боғлиқлик  $A$  ва  $B$  мамлакатларда куйидаги ишлаб чиқариш функцияси кўринишида ифодаланган:

$$Y = k^{1/2} L^{1/2}$$

а) фараз қилайлик, иккала мамлакатларда ҳам аҳоли ўсиши ва техника тараққиёти бўлмаган, капитални чиқиб кетиш меъёри (нормаси) йилига 5% га тенг. Бунда  $A$  мамлакат йилига 10%,  $B$  мамлакат эса 20% ялпи ички

маҳсулотни жамғаради. Ушбу мамлакатларнинг ҳар бири учун бир ишловчига тўғри келадиган барқарор капитал захирасини, барқарор даромад даражасини ва барқарор истеъмол даражасини топинг;

б) фараз қилайлик, мамлакатлар бир ишловчига 2 бирлик капитал захирасига эга бўлган ҳолда ривожлана бошлайди. Бир ишловчига тўғри келадиган даромад ва истеъмол даражаларини ушбу 2 мамлакатда бошланғич даврда ва мувозанат ўрнатилган даврда қандай бўлишини солиштиринг. Бу фарқлар қандай изоҳланади?

15. Жадвалда иқтисодиётнинг 4 йиллик ҳолати ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Йиллар	5	K*	Y*	C*	MP
1-чи	0,2	4,0	2,0	1,6	0,25
2-чи	0,4	16,0	4,0	2,4	0,12
3-чи	0,5	25,0	5,0	2,5	0,10
4-чи	0,6	36,0	6,0	2,4	0,08

“Олтин қоида” га мувофиқ қайси йили мувозанат ҳолатига эришилган?

16. Айтайлик, ишлаб чиқариш функцияси  $Y = \sqrt{X}$  кўринишда берилган, амортизация меъёри (нормаси) 5% га тенг, ҳар йили ишлаб чиқариш ҳажмининг 20%и жамғарилади. Барқарор ҳолатдаги бир иш билан банд бўлганга тўғри келадиган даромад даражаси, капитал билан таъминланганлик даражаси, ялпи ва соф инвестициялар, ҳамда истеъмолни аниқланг.

17. Агар капитални чиқиб кетиш меъёри (нормаси) 10% га, капитал захираси 500 бирликка, аҳолини ўсиш суръати 5% га тенг бўлса, капитал билан таъминланганликнинг барқарор даражасини таъминлаш учун зарур бўлган инвестициялар ҳажмини ҳисобланг.

18. Солоу моделида ишлаб чиқариш функцияси  $Y = k^{1/2} L^{1/2}$  кўринишга эга. Жамғариш меъёри (нормаси)  $S=0,2$ , чиқиб кетиш меъёри (нормаси)  $\delta=5\%$ , аҳолини ўсиш суръати  $n= 2\%$  (йилига), меҳантни сақловчи техника таракқиётининг суръати  $g=3\%$ . Барқарор ҳолатда бир банд бўлганга

ҳисоблаганда капитал зҳираси ва ишлаб чиқариш ҳажми қандай бўлади? Барқарор капитал билан таъминланганлик, “олтин қоида”га мос келувчи истеъмолнинг энг юқори ҳажмига эришиладиган даражага мос келадими? “Олтин қоидага мувофиқ жамғариш меъёри (нормаси) қандай бўлиши лозим?

### Мустақил иш

1. Жадвал маълумотлари асосида аниқланг:

а) 1 чидан 7 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотни;

б) 2 йилда 1 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ўсишининг абсолют миқдорини.

Йиллар	Аҳоли	Реал ялпи ички маҳсулот (млн.дол).	Аҳоли жон бошига реал ялпи ички маҳсулот
1	30	900	
2	60	2400	
3	90	4500	
4	120	6600	
5	150	9000	
6	180	9900	
7	210	10500	

2. Жадвал маълумотлари асосида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишида экстенсив ва интенсив омилларнинг ҳиссасини ҳисобланг ва ҳисоб-китобларни 2 жадвалда расмийлаштиринг.

#### 1 -жадвал.

	Улчов бирлиги	2000	2004	ўсиш суръати
Иқтисодиётдаги банд аҳоли сони	Млн.киши	8,680	8,800	
Меҳнат унумдорлиги	1 банд аҳолига минг сўмда	112,5	154,2	
Ялпи ички маҳсулот ҳажми				

	Ялпи ички маҳсулотнинг абсолют ўсиши	Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши даги улуши
Ялпи ички маҳсулот ўсиши		100%
Шу жумладан:		
Банд аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига		
Меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳисобига		

### Мустақил ишлар учун тестлар

1. Қуйидагилардан қайсиниси Харрод-Домар моделида кўзда тутилмаган?

- а) капиталнинг чиқиб кетиши йўқ;
- б) меҳнат тақчил ресурс ҳисобланмайди;
- в) жамғарма меъёри (нормаси) доимий;
- г) капиталнинг камайиб борувчи унумдорлиги.

2. X мамлакатда капитал қайтими  $1/3$  га тенг, Y мамлакатда эса жамғариш меъёри (нормаси) ва инвестициялар бир хил миқдорда  $1/2$  га тенг. Бунда харрод-Домар моделига мувофиқ ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати X мамлакатда:

- а) Y мамлакатга нисбатан 50% га юқори;
- б) Y мамлакатга нисбатан 2 марта паст;
- в) Y мамлакатдаги ўсиш суръатидан  $2/3$  ни ташкил этади;
- г) Y мамлакатдагига нисбатан 33,3% га кўп;
- д) барча аввалги жавоблар нотўғри.

3. A мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг жамғариладиган (ва инвестиция қилинадиган) улуши 15% ни, B мамлакатда эса 10% ни ташкил этади. Иккала мамлакатда ҳам капиталлар маҳсулот нисбат бир хил ҳисобланган шароитда A мамлакатда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати:

- а) B мамлакатга қараганда 50% га юқори;
- б) B мамлакатга қараганда 5 фоиз пунктига юқори;
- в) B мамлакатдаги ўсиш суръатига тенглашади;

г) В мамлакатдагига қараганда 33,3% га кўп;

д) барча аввалги жавоблар нотўғри.

4. Солоу моделида аҳоли ўсиши ( $n$  суръати) ва меҳнатни сақловчи техника таракқиёти (суръати  $g$ ) билан барқарор вазиятда бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати қуйидагига тенг:

а) 0;    б)  $n$ ;    в)  $g$ ;    г)  $n+g$

5. Солоу моделида аҳоли ўсиши ( $n$  суръати) ва меҳнатни сақловчи техника таракқиёти (суръати  $g$ ) билан барқарор вазиятда умумий ишлаб чиқаришнинг суръати қуйидагига тенг.

а) 0;    б)  $n$ ;    в)  $g$ ;    г)  $n+g$

## **Мавзу: Макроиқтисодий бекарорлик: иқтисодий даврлар, ишсизлик ва инфляция.**

### **Масалалар**

1. Шаҳар аҳолисининг сони 500 минг киши, шу жумладан 16 ёшгача бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсизлар – 120 минг киши, уй хўжалигида банд бўлганлар, ўқувчилар ва нафақахўрлар 150 минг киши. 23 минг ишсизлар расмий рўйхатга олинган. Ишчи кучи миқдорини (1); ишсизлик даражасини (2) аниқланг.

2. Аҳоли сони 270 минг киши, меҳнатга лаёқатли ёшга етмаган шахслар 70 минг киши, банд аҳоли 110 минг киши, нафақахўрлар, ногиронлар – 3 минг киши, талабалар, уй бекалари - 28 минг киши, ишсизлар 22 минг киши, ишчи кучи миқдорини (1) ва ишсизлик даражасини (2) аниқланг.

3. Аҳоли сони 100 млн. киши, 16 ёшгача бўлган болалар ва узоқ муддатга ажратиб қўйилган шахслар 24 млн. киши, ишчи кучи таркибидан чиқиб кетганлар 30 млн. киши, ишсизлар 4 млн. 600 минг киши, тўлиқсиз иш кунида ишловчилар ва иш қидираётганлар - 1 млн. киши ишчи кучи миқдорини (1) ва ишсизлик даражасини (2) аниқланг.

4. Ишсизликнинг табиий даражаси - 6%, ҳақиқий ишсизлик даражаси - 10%. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми 600 млн. сўмни ташкил этди. Ишсизликдаги тебранишларга ялпи ички маҳсулотнинг таъсирчанлик коэффициенти 3% ни ташкил этган шароитда ҳақиқий ялпи ички маҳсулотни потенциал ялпи ички маҳсулотдан нисбатан орқада қолиш миқдорини аниқланг.

5. Ишсизликнинг табиий даражаси 6%, ҳақиқий даражаси 7,33%, потенциал ялпи ички маҳсулот йилига 3% суръат билан кўпаяди, ялпи ички маҳсулотнинг даврий ишсизлик ўзгаришига таъсирчанлик коэффициенти 3% га тенг. Ресурсларнинг тўла бандлиги таъминланиши учун ялпи ички маҳсулот қандай тезликда ўсиши лозимлигини аниқланг.

6. Агар реал ялпи ички маҳсулот 1480 млн. сўм, ишсизликнинг табиий даражаси 6%, ҳақиқий даражаси эса - 9,5%, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш



суръатини даврий ишсизлик ўзгаришига таъсирчанлик коэффициенти - 3 ни ташкил этса, потенциал ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳисобланг.

7. Жорий йилда ишсизлик даражаси 5,5% ни ташкил этди. Ишсизликнинг табиий даражаси 5% га тенг бўлган. Агар потенциал ялпи ички маҳсулот 845,2 млрд. сўмга тенг бўлса, ялпи ички маҳсулотни даврий ишсизлик ўзгаришига таъсирчанлик коэффициенти 3 ни ташкил этган бўлса, реал ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳисобланг.

8. Ушбу йилда реал ялпи ички маҳсулот 1186 млрд. сўмга тенг бўлди. Потенциал ялпи ички маҳсулот 1155 млрд. сўмни ташкил этди. Ишсизликнинг табиий даражаси 5% га тенг. Агар ялпи ички маҳсулотнинг даврий ишсизлик ўзгаришига таъсирчанлик коэффициенти 3 ни ташкил этса, ушбу йил учун ишсизликнинг ҳақиқий даражасини топинг.

9. Жадвални тўлдилинг:

Йил	Нарх индекси	Инфляция
1	100	?
2	112	?
3	123	?
4	129	?

10. Агар нарх даражаси ўтган йили 110га, жорий йилда 121га тенг бўлса, жорий йилда инфляция даражаси қандай бўлади?

11. Агар нархлар ойига 18% га ўсса, уч ойда қанчага ўсади?

12. Истеъмол нархлари индекси 2003 йилда 301ни, 2004 йилда 311ни ташкил этди. 2000 йил асос қилиб олинган йил ҳисобланади. 2004 йилда инфляция даражасини 2003 йилга нисбатан, шунингдек 2000 йилга нисбатан аниқланг.

13. Нарх даражаси ўзгариши тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

Йиллар	Истеъмол нархлари индекси
2001	400
2002	440
2003	462
2004	462

Ушбу йиллардан қайсинисида инфляция даражаси энг юқори бўлган?

14. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

Йил	Номинал фоиз ставкаси	Инфляция даражаси
1	8%	3%
2	3%	8%

Реал фоиз ставкаси иккинчи йили биринчи йилга нисбатан неча фоизга ўзгарган?

15. Ишсизликнинг табиий даражаси - 6%, инфляциянинг кутилаётган даражаси 3% ни ташкил этади. Реал ялпи ички маҳсулотнинг потенциал ялпи ички маҳсулотдан нисбий фарқ қилиши (ноль)дан кичик. Ташқи нарх ўзгаришлари йўқ. Ушбу ҳолда инфляциянинг ҳақиқий даражаси \_\_\_% ташкил этади.

16. Айтайлик, инфляциянинг 1%га пасайиши реал ялпи ички маҳсулотнинг 5% га пасайиши билан боғлиқ. Оукен қонунига кўра, ишсизлик даражасини табиий даражадан 1% га фарқ қилиши ялпи ички маҳсулотни ушбу даврда 2% га ўзгаришига олиб келади. Агар инфляция 3 фоиз пунктига қисқарса, даврий ишсизлик даражаси қандай?

17. Айтайлик, Филлипс эгри чизиғи  $\pi = \pi^e + 0,8 \left[ \frac{Y - Y^*}{Y^*} \right]$

кўринишида берилган. Бу ерда  $\pi^e$  - инфляциянинг кутилаётган даражаси;  $\frac{Y - Y^*}{Y^*}$  - ялпи ички маҳсулот узилиши,  $4_f = 3,4\%$  (олдинги йилдаги ҳақиқий

ишсизлик даражаси)  $U^*$  - ишсизликнинг табиий даражаси 5% га тенг, инфляциянинг кутилаётган даражаси 4% га тенг. Жорий йилдаги инфляция даражасини аниқланг.

18. Фараз қилайлик, иқтисодиётда ишсизлик даражаси доимо табиий даражадан 1 фоиз пунктига паст даражада бўлади. Филлипс эгри чизигининг тенгламаси ҳақиқий ялпи ички маҳсулот ва потенциал ялпи ички маҳсулот фарқи ҳамда инфляция даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қуйидагича кўрсатади:

$$\pi = 0,4 \left( \frac{Y - Y^*}{Y^*} \right)$$

Оукен қонунидан фойдаланиб, (реал ялпи ички маҳсулот ва

потенциал ялпи ички маҳсулот фарқи ҳамда ишсизлик даражасини табиий даражадан фарқи ўртасидаги коэффиценти - 3 га тенг) инфляция даражаси \_\_\_% ни ташкил этади деб фараз қилиш мумкин.

## Мавзу: AD-AS модели

### Масалалар

1. Марказий банк сиёсати пул таклифини 5% га қисқаришига олиб келди.

а) бу АД эгри чизиғида қандай акс этади?

б) қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларда ишлаб чиқариш ҳажми ва нарх даражаси қандай ўзгаради?

в) қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврларда ишсизлик даражаси қандай ўзгаради (Оукен қонуни нуқтаи назаридан)?

г) қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврда реал фоиз ставкаси қандай ўзгаради?

2. Фараз қилайлик, кўзда тутилган чизмада ялпи талаб эгри чизиғибиринчи йил АД<sub>1</sub> дан иккинчи йилда АД<sub>2</sub> гача кўчади, учинчи йил эса яна АД<sub>1</sub> га қайтади. Учинчи йилда нархлар ва иш ҳақининг пасаймаслигини ҳисобга олган ҳолда янги мувозанат ҳолатини топинг.

3. Фараз қилайлик ОПЕК тўсатдан тарқалди ва ўз фаолиятини тўхтатди ҳамда нефть нархи пасайди. Қисқа муддатли даврда ялпи таклиф ва ялпи талаб эгри чизиқлари, ишлаб чиқариш ҳажми ва нархлар билан қандай ҳолат юз беришини графикда кўрсатинг.

4. Фараз қилайлик, узоқ муддатли  $A^{1/2}$  эгри чизиғи  $Y=300$  кўринишда берилган. Қисқа муддатлиси эса горизонтал (ётиқ) ва  $P=1,0$  даражада жойлашган. Ялпи талаб АД эгри чизиғи  $Y=3,0$  м/р тенглама билан берилган. Пул таклифи (M) 1000га тенг. Нарх тебранишлари натижасида  $A^{1/2}$ нинг қисқа муддатли эгри чизиғи  $P=1,5$  даражагача кўтарилди, узоқ муддатли  $A^{1/2}$  эгри чизиғи  $Y=2500$  даражагача силжиди. АД эгри чизиғи ўзгармади.  $Y$  ва  $P$  нинг қисқа муддатли мувозанат ҳолатидаги янги миқдори қандай?  $Y$  ва  $P$  нинг узоқ муддатли даврдаги янги миқдори, агар АД эгри чизиғи аввалги ҳолда қолса, қандай бўлади?

а)	б)	в)	г)
У-2000	У-2500	У-2000	У-2500
Р=1,2	Р=1,5	Р=1,5	Р=1,2
У-2500	У=3000	У=2500	У=2000
Р=1,5	Р=1,0	Р=1,2	Р=1,5

5. Айтайлик, потенциал ялпи ички маҳсулот (У) 3000га тенг, муддатли  $A\frac{1}{2}$  эгри чизиғи эса  $P=1,0$  даражада горизонтал чизик кўринишида ифодаланган. АД эгри чизиғи  $U=2000+m/r$  ифода билан берилган. Пул таклифи 1000га тенг. Нарх тебраниши натижасида қисқа муддатли  $A\frac{1}{2}$  эгри чизиғи  $P=1,5$  даражагача силжиди. Ишлаб чиқариш ҳажмини потенциал даражада ( $U=3000$ ) ушлаб туриш учун Марказий банк пул таклифини қанчага кўпайтириши мумкин:

- а) 1500;    б) 1000;    в) 2000;    г) 500

6. Ўтган йили потенциал ялпи ички маҳсулот 3000 ни ташкил этди, АД эгри чизиғи эса  $U = 3300 - 3P$  тенглама билан берилган. Жорий йилда потенциал ялпи ички маҳсулот 1% га ўсди ва ялпи талаб тенграмаси  $U=3330-3P$  кўринишга эга бўлади. Инфляция даражасини аниқланг:

- а) 3%;    б) -3%;    в) 1%;    г) 0%

7. Ялпи талаб эгри чизиғининг тенграмаси ўтган йили  $U=3300-3P$  кўринишга эга эди, жорий йилда у  $U=3270-3P$  кўринишни олди. Потенциал ялпи миллий маҳсулот ўзгармади ва 3000 даражасида қолди. Қисқа муддатли давр учун мувозанатли ялпи миллий маҳсулотни ва узоқ муддатли даврдаги инфляция даражасини аниқланг:

- а) 2970; -10%;    б) -3000; 10%    в) 3000; -10%    г) 2970; 10%

8. Узоқ муддатли  $A\frac{1}{2}$  эгри чизиғитик (вертикал) бўлиб,  $U=3000$  кўринишда берилган. Қисқа муддатли  $A\frac{1}{2}$  эгри чизиғиётик (горизонтал) бўлиб,  $P=1,0$

даражадан ўтган. Ялпи талаб эгри чизиғи  $Y=2000+1,0$  м/р кўринишида акс этирилган. Бу ерда  $M$  - пул таклифи бўлиб, 1000 га тенг. Дастлаб иқтисодиёт  $Y=3000$  ва  $P=1,0$  бўлганда узок муддатли мувозанат ҳолатида бўлади. Фараз қилайлик, пул таклифи 1500 гача кўпайди. Қиска муддатли ва узок муддатли даврда ишлаб чиқариш ва нарх даражасининг янги мувозанатли миқдори қандай?

а)	б)	в)	г)
$Y=3500$	$Y=3500$	$Y=3500$	$Y=3500$
$P=1,5$	$P=1,0$	$P=1,0$	$P=1,2$
$Y=3500$	$Y=3000$	$Y=3000$	$Y=3500$
$P=1,5$	$P=1,5$	$P=1,5$	$P=1,5$

9. Мувозанатнинг дастлабки шартлари 8-масаладагидек. Фараз қилайлик, кейинчалик пул таклифи 2000 гача кўпайди. Дастлабки мувозанатли вазият учун ( $V$ ) тизимда юз берган ўзгаришлардан ( $M=2000$ ) кейинги қиска муддатли ( $V^1$ ) ва узок муддатли ( $V^n$ ) мувозанат учун даромадлар ҳаракатидаги пулнинг айланиш тезлигини ҳисобланг.

а)	б)	в)	г)
$V=3,0$	$V=3,0$	$V=3,0$	$V=3,0$
$V^1=2,0$	$V^1=1,33$	$V^1=2,0$	$V^1=3,0$
$V^n=3,0$	$V^n=3,0$	$V^n=2,0$	$V^n=1,33$

### Мустақил ишлаш учун тестлар

1. Ишлаб чиқариш функцияси  $Q = 3kL$  кўринишга эга. Меҳнатга бўлган талаб эгри чизиғи  $L^d = 10-2w/p$  тенглама билан, меҳнат таклифи эгри чизиғи  $L^s = 4 w/p$  тенглама билан берилган,  $k = 4$ . Ялпи таклиф эгри чизиғининг тенграмасини чиқаринг. У қандай моделга мувофиқ келади? ( $W/P$  - реал иш хаҳи).

а)  $P = 80+Y$ , классик модель;

б)  $P = 80 + Y$ , кейнс модели;

в)  $Y = P + 80$ , кейнс модели;

г)  $Y = 80$ , классик модель.

2. Классик модель (AS) ялпи таклиф эгри чизигини куйидагича бўлишини кўзда тутди:

а) ялпи талаб билан аниқланадиган нарх даражасида ётиқ (горизонтал);

б) фоиз ставкаси ва давлат сиёсати билан аниқланадиган нарх даражасида ётиқ (горизонтал);

в) ялпи миллий маҳсулотнинг ихтиёрий даражасида тик (вертикал);

г) потенциал ялпи миллий маҳсулотнинг нарх даражасида тик (вертикал).

3. Иқтисодиётда инфляциянинг чайқалиши (тебраниши) бошқа мамлакатлар ҳудудида ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш билан боғлиқ давлат ҳаражатларини ортиши сабабли юз беради деган мулоҳаза:

а) классик модел фикрларига мос келади;

б) агар мувозанатли ялпи миллий маҳсулот потенциал ялпи миллий маҳсулотдан кичик бўлса, кейнс модели фикрларига мувофиқ эмас;

в) оқилона тилаклар фикри билан мос келади;

г) барча саналганлар тўғри.

4. Кейнс модели куйидагини кўзда тутди:

а) потенциал ялпи миллий маҳсулот даражаси AS эгри чизигитик (вертикал);

б) ялпи миллий маҳсулотнинг потенциал миқдордан кичик бўлган даражага мос келувчи нархнинг баъзи даражаларда AS эгри чизигиётиқ (горизонтал);

в) фоиз ставкаси таъсирини ифодаловчи кичик ижобий оғишга эга бўлган AS эгри чизигини;

г) саналганларнинг ҳеч бирини кўзда тутмайди.

5. Ялпи миллий маҳсулот ва нарх даражасини бир вақтда пасайишини классик модел куйидагича изоҳлайди:

а) фақат АД эгри чизигини чапга силжиши сабаблидир;

- б) фақат АД эгри чизигини ўнгга силжиши сабаблидир;
- в) фақат потенциал ЯИМ даражасини пасайиши сабаблидир;
- г) ялпи талаб ва потенциал ЯИМ ўзгариши сабаблидир.

6. Нарх даражаси сақланганда ЯИМни пасайишини классик модель қуйидагича тушунтиради:

- а) ялпи талаб ва потенциал ЯИМнинг бир вақтда камайиши сабаблидир;
- б) потенциал ЯИМ ўзгармас бўлганда ялпи талабни кўпайиши сабаблидир;
- в) ялпи талаб ўзгармас бўлганда потенциал ЯИМ кўпайиши сабаблидир;
- г) потенциал ЯИМ пасайганда ялпи талабни кўпайиши сабаблидир.

7. Давлат ҳаражатлари кўпайганда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархлар билан узок муддатли даврда нима юз беради?

- а) нархларнинг ўзгармас даражасида ишлаб чиқариш ҳажми ўсади;
- б) нархларнинг юқорироқ даражасида ишлаб чиқариш ҳажми потенциал даражага қайтади;
- в) нархларнинг пастроқ даражасида ишлаб чиқариш ҳажми потенциал даражага қайтади;
- г) саналганларнинг ҳеч бири юзбермайди.

8. Пул таклифи ортишининг узок муддатли оқибатлари қуйидагида ўз ифодасини топади:

- а) ишлаб чиқариш ҳажми нарх даражаси ошганда ўзгармайди;
- б) ишлаб чиқариш ҳажми ошганда нарх даражаси ўзгармайди;
- в) нарх ва ишлаб чиқариш баравар ўсиши;
- г) нарх даражасида ҳам, ишлаб чиқариш ҳажмида ҳам ўзгаришнинг йўқлиги.



## Мустақил иш

1. Фараз қилайлик, ялпи талаб ва таклиф миқдорлари тахминий иқтисодиётда қуйидагичадир:

Талаб билдирилган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми (млрд.доллар)	Нарх даражаси (наrx индекси)	Сотиш учун таклиф этилган миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми (млрд.доллар)
100	300	400
200	250	400
300	200	300
400	150	200
400	150	100

а) ялпи талаб ва ялпи таклиф графикларини чизиш учун ушбу маълумотларни қўлланг. Бу тахминий иқтисодиётда нархнинг ва миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг мувозанатли даражалари қандай бўлади? Миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми тўла бандлик шароитидаги миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмига мос келадими?

б) фараз қилайлик, харидорлар ушбу нарх даражасида қўшимча 200 млрд. долларлик миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини сотиб олишга тайерлар. Ялпи талабда бундай ўзгаришлар бўлишига қандай омиллар олиб келиши мумкин? Янги мувозанатли нарх даражаси ва миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли реал ҳажми қандай бўлади? Ялпи таклиф эгри чизигининг қайси бўғинида мувозанат ўзгаради?

## Мавзу: Товарлар бозоридаги макроиқтисодий мувозанат

### Масалалар

1. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

$$Y=C+I+O \quad C=300+0,8Y_d$$

$$O=200 \quad I=200+0,2Y$$

$$t=0,2$$

1) даромаднинг мувозанатли даражасини ва

2) боғлиқ бўлмаган (автоном) ҳаражатлар мультипликатори миқдорини ҳисобланг.

2. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

$$Y=C+I$$

$$C=100+0,8$$

$$I=50$$

Қуйидагиларни аниқланг:

- даромаднинг муовазанатли даражаси;

- жамғарма ва истеъмолнинг мувозанатли даражаси;

- агар ишлаб чиқариш даражаси 600 га тенг бўлса, маҳсулот захираларининг режалаштирилмаган ўсиши қандай бўлиши;

- агар боғлиқ бўлмаган (автоном) инвестициялар 100гача ўсса, унда мувозанатли ишлаб чиқариш қандай ўзгаради? Боғлиқ бўлмаган (автоном) ҳаражатлар мультипликатори миқдори қандай? Мувозанат даражаси ўзгаришини графикда кўрсатинг.

3. Айтайлик, иқтисодиёт қуйидаги тенгламалар тизими билан ифодаланган:

$$C=180+0,8(Y-T); \quad I=190; \quad G=250; \quad T=150$$

а) ушбу моделда MPC миқдори қандай?

б) режалаштирилаётган ҳаражатлар эгри чизиғини чизинг, нинг оғишини ва  $U$  да озод ҳад миқдорини аниқланг;

в) даромаднинг мувозанатли даражасини ҳисобланг;

г)  $Y=3000$  бўлганда захирларни жамғаришнинг режалаштирилмаган миқдорини ҳисобланг.

4.  $Y=C+I+G$  (миллий даромад истеъмол харажатлари, инвестициялар ва давлат харажатлари йиғиндисига тенг) ифодадан фойдаланиб, қуйидагиларни аниқланг:

- а) мувозанатли фоиз ставкасини ( $R$ );
- б) ялпи инвестициялар ҳажмини;
- в) истеъмол харажатлари миқдорини

Берилган маълумотлар:

$$Y=3000$$

$$C=60+0,8(N-T)-1,5R$$

$$I=40-2R$$

$$T=0,3Y$$

$$G=46$$

Фараз қилайлик, давлат харажатлари 53 бирликкача кўпайди:

- а) янги мувозанатли фоиз ставкасини;
- б) инвестициялардаги ўзгаришларни;
- в) истеъмол харажатларидаги ўзгаришларни.

5. Уй хўжалиги кўпроқ жамғаришга қарор қилди. Истеъмол функцияси  $C=0,75Y$  дан  $C=0,5Y$  га айланди. Инвестициялар 150ни ташкил этади.

а) даромаднинг янги мувозанатли даражаси қандай бўлишини аниқланг;

б) агар даромад ҳажми 600ни ташкил этса, бироқ истеъмол  $C=0,5Y$  функция билан аниқланса, иқтисодиётда қандай самара юз беради: Бундай самара узоқ муддатли даврдаги макроиқтисодий мувозанат моделида ҳам юзага келадими?

в) тежамкорлик парадокси нима?

6. Фараз қилайлик, истеъмол функцияси

$$C=50+0,8Y$$

кўринишда бўлади. Фараз қилайлик, инвестициялар ва соф экспорт ( $I_n$   $X_n$ ) мустақил, яъни режалаштирилмаган инвестициялар ва соф экспорт даромад даражасига боғлиқ эмас ва  $I_n=30$  ва  $X_n=10$

а) ушбу иқтисодиёт учун мувозанатли даромад даражасини аниқланг;

б) агар  $I_n=10$  бўлса,  $Y$  мувозанати билан нима юз беради? Ушбу ҳолда мультипликатор миқдори қандай?

### Мустақил ишлаш учун тестлар

1. Иқтисодиётда жамғарма функцияси  $C=-140+1/4Y$ . Истемолга бўлган чекланган мойиллик куйидагига тенг:

а)  $1/6$       б)  $3/4$ ;      в)  $2/3$ ;      г)  $1/4$ .

2. Иқтисодиётда истеъмол функцияси  $C=150+0,85(Y-T)$ , бу ерда  $T$  - якка тартибдаги солиқлар миқдори. Якка тартибдаги солиқлар миқдори 1 га ўсди. Бунда жамғарма миқдори:

- а) 0,85 бирликка қисқаради;
- б) 0,15 бирликка қисқаради;
- в) 0,85 бирликка кўпаяди;
- г) 0,15 бирликка кўпаяди.

3. Даромаднинг мувозанатли даражасида:

- а) заҳираларнинг режалаштирилмаган жамғарилиши нольга тенг;
- б) режалаштириладиган ҳаражатлар ҳақийга тенг;
- в) ялпи ички маҳсулот даражаси ўзгаришига олиб келувчи сабаблар йўқ;
- г) юқорида келтирилганларнинг барчаси тўғри.

4. Режалаштириладиган истеъмол ҳаражатлари  $40+0,9Y_d$  га ва режалаштириладиган инвестициялар 50ни ташкил этганда, даромаднинг мувозанатли даражаси куйидагига тенг:

а) 90;      б) 400;      в) 500;      г) 900.

5. Режалаштирилаётган жамғарма  $S=-40+0,2Yd$  ва режалаштирилаётган инвестициялар 60 ни ташкил этганда даромаднинг мувозанатли даражаси қуйидагига тенг:

- а) 100;      б) 400;      в) 500;      г) 1000.

Мультипликатор микдори эса қуйидагини ташкил этади:

- а) 4,0;      б) 5,5;      в) 3,5;      г) 5,0

6. 2000 йилда ялпи ички маҳсулот 2300 ни, хусусий инвестициялар 200 ни ташкил этди. 2004 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 2550 ва 250 га тенг бўлади. Солиқлар олинмайди, давлат ҳаражатлари эса ўзгармас ва 100 га тенг деб фараз қилиб истеъмол функциясини топинг:

- а)  $C=180+0,87Y$ ;      б)  $C=160+0,8Y$   
в)  $C=200+0,64$       г)  $C=260+0,8Y$

7. Қуйида келтирилганлардан қайсиниси нотўғри ҳисобланади:

- а) даромаднинг мувозанатли даражасида режалаштирилаётган ва ҳақиқий инвестициялар тенг;  
б) мувозанат шароитида товар-моддий захираларига инвестициялар бўлмайди;  
в) ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражаси потенциал ялпи ички маҳсулотга тенг бўлиши мумкин эмас;  
г) мувозанат шароитида жами ҳаражатлар барча иқтисодий агентларнинг жами даромадларига тенг.

8. Агар ялпи таклиф давлат ҳаражатлари ва соф экспорт нолга тенг бўлган шароитда ялпи талабдан кўп бўлса, унда:

- а) истеъмол ва инвестиция ҳаражатларининг йиғиндиси жамғармаларга тенг;  
б) жамғарма инвестицияга тенг;  
в) жамғарма режалаштирилаётган инвестициялардан кўп бўлади;  
г) ишлаб чиқаришнинг номинал ҳажми ўзгаришсиз қолади;  
д) реал ялпи ички маҳсулот ўсади.

9. Боғлиқ бўлмаган (автоном) истеъмол миқдорининг ўзгариши график кўринишида қуйидагича акс эттирилиши мумкин:

- а) режалаштирилаётган ҳаражатлар эгри чизиғи бўйлаб кўчиш;
- б) режалаштирилаётган ҳаражатлар эгри чизиғини оғиш бурчаги ўзгариши;
- в) режалаштирилаётган ҳаражатлар эгри чизиғини силжиши;
- г) даромад даражасини ўзгаришига қараб истеъмол функцияси эгри чизиғи бўйлаб кўчиш.

10. Агар ихтиёридаги даромад миқдори нолга тенг бўлса, у ҳолда қуйидагини таъкидлаш мумкин:

- а) жамғарма даражаси нолга тенг;
- б) инвестиция даражаси нолга тенг;
- в) мультипликатор самараси йўқолади;
- г) барча саналган жавоблар нотўғри.

11. Агар уй бекалари ўзининг барча даромадларини истеъмолга сарфламай, сарфланмаган миқдорни банкка қўйса, у ҳолда қуйидагиларни айтиш мумкин:

- а) улар ҳам жамғаради, ҳам инвестициялайди;
- б) улар жамғаради, бироқ инвестицияламайди;
- в) улар инвестициялайди, бироқ жамғармайди;
- г) улар жамғармайди ҳам, инвестицияламайди ҳам;
- д) улар жамғаради, бироқ бу жамғармаларининг қимматли қоғозлар сотиб олиш учун ишлатилган қисмини инвестицияламайди.

12. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми режалаштири-лаётган ҳаражатлардан кўп бўлганда, қуйидагини таъкидлаш мумкин:

- а) сотилмаган маҳсулотлар захираси ўсади, ишлаб чиқариш даражаси эса пасаяди;
- б) сотилмаган маҳсулотлар захираси ўсади, ишлаб чиқариш даражаси ҳам ўсади;
- в) сотилмаган маҳсулотлар захираси камаяди, ишлаб чиқариш даражаси ҳам пасаяди;

г) сотилмаган маҳсулотлар захираси камаяди, ишлаб чиқариш даражаси эса ўсади.

13. Айтайлик, инвестиция функцияси  $I=1000-30g$  тенглама билан берилган, бу ерда  $g$ -реал фоиз ставкаси. Номинал фоиз ставкаси 10% га тенг, инфляция суръати 2% ни ташкил этади. Ушбу ҳолда инвестициялар ҳажми қуйидагига тенг бўлади:

- а) 240                      б) 700; в) 760; г) 970,

14. Режалаштирилаётган истеъмол ҳаражатлари  $C=40+0,9Y_d$  га тенг ва режалаштирилаётган инвестициялар 50 ни ташкил этганда, даромаднинг мувозанатли даражаси қуйидагига тенг:

- а) 90;                      б) 400;                      в) 500;                      г) 900

15. Режалаштирилаётган жамғармалар  $\frac{1}{2}=-40+0,2Y_d$  ва режалаштирилаётган инвестициялар 60ни ташкил этганда, даромаднинг мувозанатли даражаси ва боғлиқ бўлмаган (автоном) ҳаражатлар мультипликатори миқдори мос равишда қуйидагини ташкил этади:

- а) 500 ва 4,0;                      б) 400 ва 5,5;  
в) 500 ва 5,0;                      г) 1000 ва 3,5

16. Агар истеъмол ҳаражатлари миқдори 9000 ни ташкил этса, ихтиёридаги даромад эса 10000 га тенг бўлса, истеъмолга бўлган чекланган мойиллик қуйидагига тенг:

- а) 0,1;                      б) 0,9;                      в) 9,0;                      г) 10/9;  
д) ноаниқ миқдор ҳисобланади.

17. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

$$Y=C+I+G+X_n$$

$$C=400+0,9Y_d$$

$$I=200+0,25Y$$

$$X_n=200-0,1Y$$

$$t=0,333$$

Даромаднинг мувозанатли даражаси ва боғлиқ бўлмаган(автоном) ҳаражатлар мультипликатори миқдори мос равишда қуйидагини ташкил этади:

- а) 4000 ва 4,5
- б) 5000 ва 4,0
- в) 4000 ва 2,0
- г) 4000 ва 4,0

### Мустақил иш

1. Жадвални тўлдириш.

Ихтиёрдаги даромад	Истеъмол	Жамғарма	APC	APS	MPC	MPS
240		-4				
260		0				
280		4				
300	292					
320	308					
340		16				
360	340					
380		24				
400		28				

Истеъмол ва жамғарма функцияларини ёзинг ҳамда уларнинг графикларини чизинг.

2. Фараз қилайлик, қарз учун ҳақ тўлаш 20% ни ташкил этганда, корхона маблағларни инвестицияларга қўйишни бефойда деб ҳисоблайди. Ушбу миқдорни 15% гача пасайганида, тадоиркорлар 10 млн. сўмни инвестицияга сарфлашга тайёрлар. Фоиз ставкасининг кейинчалик ҳар 5 пунктига пасайиши инвестициялар ҳажмини 10 млн. сўмга кўпайишига олиб келади. Қарз фоиз ставкаси ва ялпи инвестициялар ўртасидаги боғлиқликни жадвал, график ва тенглама ёрдамида кўрсатинг.

3. Макроиқтисодиётдаги мисолларда истеъмол функцияси асосан чизиқли тенгламалар  $y = a + vx$  синфига тааллуқли.  $a$  нииг миқдори (бизнинг мисолда  $y$  200 га тенг)  $x=0$  даги (яъни миллий даромад 0 га тенг бўлган даражадаги истеъмол



даражаси)  $Y$  нинг миқдорини кўрсатади. Бизнинг мисолдаги функцияда  $v$  коэффициент 0,75 га тенг. Бу қандай кўрсаткич ва уни қандай ҳисоблаш мумкин?

4. Истеъмол функциясини ифодаловчи маълумотлар мавжуд:

Ялпи ички маҳсулот	30	50	70	90	10	30	50	70	90	10
Истеъмо л ҳаражатлари	12	26	40	54	68	82	96	10	24	38

а) инвестиция миқдори 60 га, давлат ҳаражатлари эса 0 га тенг бўлган шароитдаги ялпи ички маҳсулотнинг мувозанатли ҳажмини аниқланг;

б) агар инвестициялар миқдори 30 млрд. долларгача пасайса, ялпи ички маҳсулотнинг мувозанатли ҳажми қандай ўзгаради?

5. Истеъмол функцияси  $C=100+0,9(Y-I)$  кўринишга эга:

а) ихтиёрдаги даромад  $Y_d=(Y-T)$  600, 800, 1000, 1200, 1400 миқдорларда бўлганда истеъмол ҳаражатлари ва жамғармалар ҳажмини ҳисобланг;

б) истеъмол ва жамғармага бўлган чекланган мойилликни ҳисобланг;

в) боғлиқ бўлмаган (автоном) ҳаражатлар мультиплика-торини ҳисобланг.

6. «Кейнс хочи» моделида истеъмол функцияси  $C=200+0,75(Y-T)$  кўринишида берилган. Инвестицион ҳаражатлар даромад даражасига боғлиқ эмас ва 100 га тенг, давлат ҳаражатлари ва солиқлар ҳар бири 100 га тенг:

а) миллий даромаднинг мувозанатли даражасини аниқланг;

б) давлат ҳаражатлари 125 гача кўтарилгандаги миллий даромаднинг мувозанатли даражасини аниқланг. Миллий даромаднинг миқдори билан нима юз беради ва нима учун?

в) миллий даромад 1600 га тенг бўлишига эришиш учун давлат ҳаражатлари даражаси қандай бўлиши зарур;

г) давлат харажатлари ва солиқлар ҳар бири 200 га тенг бўлганда миллий даромаднинг мувозанатли даражасини аниқланг. Ушбу даража дастлабкидан фарқ қиладими ва нима учун?

7. Истеъмол функцияси  $C=40+0,8(Y-T)$  кўринишга эга, бу ерда  $C$  - истеъмол,  $Y$  - даромад,  $T$  - бюджетга солиқ тушумлари:

а) солиқ нолга тенг. Миллий даромад 100, 200, 300, 400, 500 ва 600 бирлик бўлганда истеъмол ва жамғарма даражасини аниқланг;

б) миллий даромаднинг ҳар қандай даражасида ҳар йили 10 бирлик солиқ тушумларини таъминловчи пасайиб борувчи (регрессив) солиқ жорий этилди. Миллий даромаднинг ҳар бир даражасига солиқ миқдорини (ставкасини), шунингдек истеъмол ва жамғарманинг янги даражаларини ҳисобланг;

в) пасайиб борувчи (регрессив) солиқ ўрнига 10% солиқ ставкаси билан бир хил мос келувчи солиқ жорий этилди. Истеъмол ва жамғарма даражалари қандай ўзгаради?

г) ҳукумат ўсиб борувчи (прогрессив) солиққа тортишни қўллайди: миллий даромад 100 га тенг бўлганда, солиқ ставкаси 0 га, 200 да 5% га, 300 да 10% га, 400 да 15% га ва ҳ.к. Истеъмол ва жамғарманинг янги даражаларини ҳисобланг.

## Мавзу: Товар ва хизматлар бозоридаги

### макроиқтисодий мувозанат

#### Масалалар

1. Ёпиқ иқтисодиёт модели қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

$$C=1000+0,9(Y-I)$$

$$G=600$$

$$I=390$$

$$T=400$$

- а) ялпи ички маҳсулотнинг мувозанатли даражасини ҳисобланг;
- б) давлат харажатлари ва солиқлар мультипликатор ларини ҳисобланг;
- в) солиқларни 1 сўмга ўсишини ялпи ички маҳсулот миқдорига таъсирини ҳисобланг;
- г) ялпи ички маҳсулотнинг мувозанатли даражасидаги жамғарма ҳажмини ҳисобланг;
- д) тўла бандликда (ялпи ички маҳсулот 15000 га тенг) жамғарма ҳажмини ҳисобланг;
- е) агар тўла бандлик даражасига эришиш вазифаси қўйилса, доимий солиқларда давлат харажатлари қандай ўзгариши лозим,

2.  $Y=C+I+G$  (ялпи ички маҳсулот истеъмол харажатлари, инвестициялар ва давлат харажатлари йиғиндисига тенг) ифодадан фойдаланиб, а) мувозанатли фоиз ставкасини ® б) соф инвестициялар ҳажмини, в) истеъмол харажатлари миқдорини аниқланг. Бунда

$$Y=300$$

$$C=60+0,8(Y-T)-1,5R$$

$$I=40-2R$$

$$T=0,3 Y$$

$$G=46$$

Фараз қилайлик, давлат харажатлари 53бирликкача кўпайди. а) янги мувозанатли фоиз ставкасини; б) инвестициялардаги ўзгаришларни; в) истеъмол харажатларидаги ўзгаришларни аниқланг.

3. Айтайлик, иқтисодиёт қуйидаги тенгламалар тизими билан ифодаланади:

$$C=180+0,8(Y-T); \quad I=190; \quad T=150; \quad G=250$$

а) даромаднинг дастлабки мувозанатли даражасини ҳисобланг;

б) агар давлат харидларини 10га, яъни 260 даражасигача

кўтариш кўзда тутилса, у ҳолда бу қуйидагиларда қандай акс этади?

- режалаштирилаётган харажатлар эгри чизиғида;
- даромаднинг мувозанатли даражасида;
- истеъмол даражасида;
- давлат бюджети тақчиллигида

в) айтайлик, яна  $G=250$ . Фараз қилайлик, солиқлар 10га ўсди ва 160ни ташкил этди. Ушбу ҳолда қуйидагилар билан нима юз бериши лозим.

- режалаштирилаётган харажатлар эгри чизиғи;
- даромаднинг мувозанатли даражаси;
- истеъмол даражаси;
- давлат бюджети тақчиллиги.

г) айтайлик, яна  $G=250$ .  $T$  эса 150. Фараз қилайлик, давлат хариди ҳам, солиқлар ҳам 10 га ўсди, яъни мос равишда 260 ва 160 даражасига етди. Бу қуйидагиларда қандай акс этди?

- режалаштирилаётган харажатлар эгри чизиғи;
- даромаднинг мувозанатли даражаси;
- истеъмол даражасида;
- давлат бюджети тақчиллигида.

4. Ёпиқ иқтисодиётда боқлиқ бўлмаган (автоном) истеъмол 200га, истеъмолга чекланган мойиллик 0,9 га, солиққа тортиш даражаси 20% га, инвестициялар 50 га, давлат харажатлари

30 га тенг. Бунда ишсизлик унинг табиий даражасидан 2% га ортиқ, ялпи ички маҳсулот тебранишининг даврий ишсизлик ўзгаришига таъсирчанлик коэффициенти – 3 га тенг. Потенциал ялпи ички маҳсулот нимага тенг? Узилишни йўқ қилиш учун давлат харажатларини қандай ўзгартириш зарур? Агар давлат ўз харажатларини реал ялпи ички маҳсулот ва потенциал ялпи ички маҳсулот ўртасидаги фарқга тенг миқдорда кўпайтиришга қарор қилса, ялпи ички маҳсулот қандай ўзагаради?

5. Фараз қилайлик, бўлмаган (автоном) истеъмол 1400 млрд. долларни ташкил этади, истеъмолга чекланган мойиллик  $0/8$  га, соф солиқлар эса 0 га тенг. Ушбу шартларга мос келувчи истеъмол функциясини чизинг ва уни  $C_1$  билан белгиланг. Энди эса, боғлиқ бўлмаган соф солиқлар 500 млрд. долларни ташкил этади деб фараз қиламиз. Бу истеъмол функцияси графигини қандай ўзгартиради? Истеъмол функциясининг янги графигини  $C_2$  билан белгиланг ва барча олинган даромадларга қўлланиладиган 25%ли чекланган солиқ ставкасини даромад солиғи кўришни кўшамиз. Истеъмолнинг янги функцияси графигини чизинг ва уни  $C_3$  билан белгиланг.

6. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 1000, давлат харажатлари эса  $G=100$  ни ташкил этди. Харажатларни 50 га кўпайтириб, ҳукумат янги ички маҳсулотни 200 га кўпайтиришга эришади. Бунда 2 йил мобайнида давлат бюджети тақчиллиги 0 га тенглигича қолган. Истеъмолга чекланган мойиллик қандай?

а)  $\frac{3}{4}$ ; б)  $\frac{1}{4}$ ; в) 0,85; г) аниқлаш мумкин эмас.

7. Ёлиқ иқтисодиётда солиқларни 10 млрд. сўмга мувозанатни ялпи ички маҳсулотни 40 млн. сўмга ўсишига олиб келди. Инвестициялар ва солиқлар миқдори ялпи ички маҳсулот миқдорига боғлиқ эмас. Мультипликатор миқдорини аниқланг.

а) 1; б) 2; в) 3; г) 4

8. Фараз қилайлик, давлат ҳаридлари 500 га тенг, солиқ функцияси  $T=0,4Y$ , трансфертлар функцияси  $\xi=0,2Y$  кўринишга эга, нарх даражаси  $P=1$ .  $R=0,1$  фоиз ставкасида ички ва ташқи қарзлар  $D=1000$ . Ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми 2500 га тенг, унинг потенциал ҳажми 2500 ни ташкил этади.

- а) бюджет қолдиғи ижобий ёки салбий ҳисобланадими?
- б) давлат бюджетининг тузилмавий тақчиллиги миқдори қандай?
- в) давлат бюджетининг даврий тақчиллиги миқдори қандай?

9. Айтайлик, дастлабки давлат бюджети баланслашган ва иқтисодиётда мутаносиб солиққа тортиш тизими амал қилади. Агар боғлиқ бўлмаган (автоном) инвестициялар ўсса, бошқа тенг шартларда мувозанатли даромад даражаси кўпаяди ва бюджет тақчиллиги юзага келади.

- а) Ҳа
- б) Йўқ

10. Фараз қилайлик, бюджет ортиқчалиги

$$BS=tY-G$$

кўринишида берилсин.

Давлат ҳаражатларининг кўпайиши унда қандай акс этади?

Мультипликатор моделидан фойдаланиб, нима учун бюджет ортиқчилигининг ўзгариши давлат ҳаражатлари ўзгаришига қараганда кам булишини алгебраик нуқтаи назардан кўрсатинг.

### **Мустақил ишлаш учун тестлар**

1. Рағбатлантирувчи фискал сиёсат қуйидагини талаб этади:

- а) давлат ҳаражатларини кўпайтириш, солиқларни кўпайтириш ёки бу тадбирларни бир вақтда амалга ошириш;
- б) давлат ҳаражатларини камайтириш, солиқларни камайтириш;
- в) пул таклифини кўпайтириш ва фоиз ставкасини кўтариш;

г) давлат ҳаражатларини кўпайтириш, солиқларни камайтириш ёки бу тадбирларни бир вақтда амалга ошириш.

2. Ҳукумат инфляция билан боғлиқ вазиятни қуйидаги ҳолда ёмонлаштириши мумкин:

а) у солиқларни оширса;

б) у давлат ҳаражатларини оширса ва бюджет тақчиллигини давлат заёмларини чиқариш ҳисобига молиялаштира;

в) у хусусий бўғинда ҳаражатларни камайтириш учун пул-кредит сиёсатини қўлласса;

г) у ўз ҳаражатларини молиялаштириш мақсадида пулларни чиқарса.

3. Бюджет ортиқчаллигини ялпи ички маҳсулотни муаозанатли даражасига таъсири ўз мазмунига кўра;

а) жамғармаларнинг қисқаришидир;

б) инвестицияларнинг кўпайишидир;

в) истеъмолни кўпайишидир;

г) жамғарманинг кўпайишидир.

4. Бюджет-солиқ соҳасида вазиятни аниқловчи миқдор бўлиб қуйидаги ҳисобланади:

а) давлат бюджетининг ҳақиқий тақчиллиги ёки ортиқчаллиги ҳажми;

б) ресурсларнинг тўла бандлигидаги бюджет ортиқчаллиги ёки тақчиллиги ҳажми;

в) шахсий даромад солиғи даражаси;

г) иқтисодиётда ўзига хос барқарорлаштирувчиларнинг инфляцион таъсирини ресурсларнинг тўла бандлиги билан боғловчи миқдор.

5. Боғлиқ бўлмаган (автоном) солиқларни камайтириш натижасида мувозанат ҳолатида ишлаб чиқариш ҳажми 20 млн. долларга ўсди. Давлат ҳаражатлари мультипликатори -4 га тенг. Солиқ тушумлари қандай миқдорга пасайтирилган?

а) -5;

б) -5/3;

в) -20/3;

г) тўғри жавоб

## Мустақил иш

1. Айтайлик истеъмол функцияси  $C=40+0,8(Y-T)$  кўринишга эга. Бу ерда  $C$  - истеъмол,  $Y$  - даромад,  $T$  - бюджетга солиқ тушумлари

а) солиқ 0 га тенг. Миллий даромад 100, 200, 300, 400, 500, 600 бирлик бўлганда истеъмол ва жамғарманинг даражасини ҳисобланг;

б) миллий даромаднинг ҳар қандай даражасида ҳар йили 10 бирлик солиқ тушумларини таъминловчи пасайиб борувчи солиқ жорий этилди. Миллий даромаднинг ҳар бир даражасига солиқ миқдорини (ставкасини), шунингдек истеъмол ва жамғарманинг янги даражаларини ҳисобланг;

в) пасайиб борувчи солиқ ўрнига 10% га солиқ ставкаси билан бир хил мос келувчи солиқ жорий этилди. Истеъмол ва жамғарма даражалари қандай ўзгаради?

г) Ҳукумат ўсиб борувчи солиққа тортишни қўллайди: миллий даромад 100 га тенг бўлганда, солиқ ставкаси 0 га, 200 да 5% га, 300 да 10% га, 400 да 15% га ва ҳ.к. Истеъмол ва жамғарманинг янги даражаларини ҳисобланг.

2. Фараз қилайлик, агар сизнинг солиққа тортиладиган даромадингиз 180 сўмни ташкил этади ва сиз солиқ кўринишида 20 сўм тўладингиз. Даромад 210 сўм бўлганда 30 сўм тўладингиз. Даромадлар 180 ва 210 сўм бўлганда солиқ ставкалари қандай? Ушбу солиқ ўсиб борувчи, пасайиб борувчи ёки мутаносиб солиқ ҳисобланадими?



## Мавзу: Пул бозоридаги макроиқтисодий

### мувозанат

### Масалалар

1. Фараз қилайлик, пулга бўлган талаб  $(M/P)^d=0,25Y$  тенглама билан ифодаланган. Пулнинг миқдорий назарияси тенграмасини қўллаб, даромадларга нисбатан пулларни айланиш тезлигини аниқланг.

2. Маълумотлар асосида қуйидагиларни аниқланг:

а)  $M_1$  миқдорини;

б)  $M_2$  миқдорини;

в)  $M_3$  миқдорини.

	млрд. сўм
Катта бўлмаган муддатли қўйилмалар	1630
Йирик муддатли қўйилмалар	645
Чексиз омонат қўйилмалар	448
Чек қўйилмалари	300
Нақд пуллар	170

3. а) Фараз қилайлик, битимлар учун мўжалланган ҳар бир сўм йилига ўртача 4 марта айланади ва пировард товар ва хизматлар сотиб олишга йўналтирилади. Ялпи ички маҳсулотнинг номинал ҳажми 2000 млрд.сўмни ташкил этади. Битимлар учун пулга бўлган талаб миқдорини аниқланг;

б) жадвалда турли фоиз ставкаларида активлар томонидан пулга талаб миқдори кўрсатилган;

в) саволга жавобда олинган маълумотлардан фойдаланиб, жадвалда пулга бўлган талабнинг умумий ҳажмини кўрсатинг;

Фоиз ставкаси	Пулга бўлган талаб ҳажми (млрд. сўм)		
	Активлар томонидан	Битимлар учун	Умумий
16	20		
14	40		
12	60		
10	80		
8	100		
6	120		
4	140		

г) пул таклифи 580 млрд. сўмни ташкил этади. Мувозанатни фоиз ставкасини аниқланг;

д) агар пул таклифи 600 млрд. сўмгача ўсса, 540 млрд. сўмгача қисқарса, мувозанатли фоиз ставкаси миқдорини аниқланг;

е) агар номинал ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми 80 млрд.сўмга кўпайса, 120 млрд.сўмга қисқарса, мувозанатли фоиз ставкаси қандай ўзгаришини ҳамда фоиз ставкасининг ҳар бир даражасида пулга бўлган умумий талаб қандай ўзгаришини аниқланг.

4. Фараз қилайлик, облигациянинг номинал қиймати 10 минг сўм ва у ҳар йили 800 сўмга тенг фоиз келтиради. Облигация эгаси кўрсатилган нархларда олиши мумкин бўлган фоиз ставкасини ёки кўрсатилган фоиз ставкаларидаги облигация нархларини ҳисобланг ва жадвалга ёзинг.

Облигация нархи (минг сўм)	Фоиз ставкаси ®
8	8,9
10	8,9
11	6,2

5. Депозитлаш коэффициенти (сг) ва резерв меъёри (нормаси) (гг)нинг қуйидаги миқдорлари учун пул мультипликаторини ҳисобланг:

а)  $сг = 0,5$        $гг = 0,25$

б)  $гг = 1,0$        $сг - 1$  дан кичик ҳар қандай миқдор.

Жавобингизни изоҳланг.

6. Айтайлик, депозитларнинг резерв нормаси (меъёри) 20% ни ташкил этади, депозитлаш коэффициенти эса 0,25 га тенг.

а) пул мультипликатори миқдорини ҳисобланг;

б) айтайлик, марказий банк очик бозордаги операциялар ёрдамида пул таклифини 200 млн. долларга кўпайтиришга қарор қилди. У қандай миқдордаги давлат облигацияларини сотиб олиши лозим.

7. Пул базаси (МВ) 300 млн. Долларга, резерв меъёри (нормаси) 10%, депонентлаш коэффициентини 40% га тенг. Пул мультипликаторини ва пул таклифи даражасини аниқланг.

8. Банк тизими ортиқча резервларга эга эмас. Мажбурий резервларнинг умумий миқдори 50млрд. долларни ташкил этади, талаб қилиб олинган омонатларнинг умумий миқдори эса 200 млрд. долларга тенг, Тижорат банклари марказий банкдан ҳисобот ставкаси 8% да 10 млн. доллар, 7% да 20 млн. доллар, 6% да 30 млн. доллар, 5% да 40 млн. доллар кредит олишга тайёрлар. Қуйидагиларни аниқланг:

а) мажбурий резерв меъёрини (нормасини);

б) агар марказий банк пул таклифи ҳажмини 40 млрд. долларгача кўпайтиришни хоҳласа, ҳисобот ставкаси меъёри(нормаси)ни.

9. Айтайлик, мажбурий резервлар меъёри (нормаси) 0,25 ни ташкил этади, жорий ҳисоблардаги маблағлар эса нақд пуллар миқдоридан 2 марта кўп. Ушбу ҳолда пул базасини 1 млрд. долларга кўпайиши, пул таклифини \_\_\_ млрд. долларга ўсишига олиб келади.

10. Айтайлик, банк резервлари меъёри (нормаси) 0,12 ни ташкил этади. Нақд пулга бўлган талаб, омонатлар (депозитлар) миқдорига нисбатан 0,3 ни ташкил этади. Резервлар ҳажми 40 млрд. долларга тенг. Ортиқча резервлар 0 га тенг.

а) пул таклифи миқдорини аниқланг;

б) агар марказий банк резерв меъёрини (нормасини) 20% гача кўпайтирса, у ҳолда пул таклифи қандай ўзгаради?

11. Марказий банк 10 млрд. долларлик давлат облигацияларини сотиб олди. Марказий банк 2 млрд. долларлик облигацияларни аҳолидан, қолган облигацияларни тижорат банкларидан сотиб олганлиги аниқ. Мажбурий резервлар миадори 20%, омонатларни нақд пулга айланиши юз бермайди. Агар банк тизимининг имкониятлари тўлиқ ишлатилса пул таклифи ўзгаришини аниқланг.

12. Ушбу маълумотларга асосланиб, агар пул базаси (МВ) 200 млн. долларга, гг 10% га, омонатлар нақд пул нисбати 3,0 га тенг бўлса пул таклифи (MS) ҳажминини аниқланг.

13. Агар:

а) пул таклифини ҳар 20 млрд. долларга кўпайиши фоиз ставкасини 1% га пасайтирса;

б) фоиз ставкасини ҳар 1% га пасайиши янги инвестиция ҳаражатларини 30 млрд. долларга рағбатлантирса;

в) ҳаражатлар мультипликатори 2,5 га тенг бўлса;

г) ишсизлик даражаси шунчалик юқорики, ялпи талабни кўпайиши нархларни сезиларли ўсишига олиб келади, пул таклифини 40 млрд. долларга кўпайиши реал ялпи ички маҳсулот миқдорига қандай таъсир этишини тушунтиринг.

## Мустақил ишлаш учун тестлар

1. Агар марказий банк пул таклифини кўпайтиришни хоҳласа, у:

- а) очик бозорда қимматли қорозларни сотиб олишни амалга ошириши мумкин;
- б) ҳисобот ставкасини камайтириши мумкин;
- в) мажбурий резервлар меъёрини (нормасини) камайтириши мумкин;
- г) юқорида саналганларнинг барчаси тўғри.

2. Пул таклифи кўпаяди, қачонки:

- а) давлат ҳаридлари ўсиши кузатилса;
- б) марказий банк аҳолидан хазинахона облигацияларини сотиб олса;
- в) аҳоли «Женерал моторс» облигацияларини сотиб олса;
- г) <sup>2</sup>ВМ акцияларини аҳолига сотса ва тушумларни янги корхона

қурилишини молиялаштириш учун ишлатса.

3. Агар пулларни депонентлаш коэффиценти (сг) кўпайса, депозит (омонатлар)ни резерв меъёри (нормаси) (гг) ва пул базаси (МВ) ўзгаришсиз қолса, у ҳолда:

- а) пул таклифи кўпайиши ёки камайишини аниқлаб бўлмайд;
- б) пул таклифи кўпаяди;
- в) пул таклифи камаяди;
- г) пул таклифи ўзгармайди.

4. Айтайлик, мажбурий резервлар меъёри (нормаси) 0,15 га тенг.

Ортиқча резервлар йўқ. Агар нақд пулга талаб омонатлар (депозитлар) ҳажмидан 40% ни ташкил этса, резервлар миқдори эса 60 млрд. долларга тенг бўлса, у ҳолда очик бозорда 1,5 млрд. доллар миқдоридаги давлат облигацияларини сотиш:

а) пул таклифини 560 млрд. доллардан 574 млрд. долларгача кўпайтиради;

б) пул таклифини 400 млрд. доллардан 410 млрд. долларгача кўпайтиради;

в) пул таклифини 400 млрд. доллардан 390 млрд. долларгача қисқартиради;

г) пул таклифини 560 млрд. доллардон 546 млрд. долларгача қисқартиради.

5. ФРС пул-кредит сиёсатининг мақсадига эришишга ҳаракат қилмоқда:

а) пул базасининг таркибий қисми сифотида деярли фақат нақд пулни ўзгартириш орқали;

б) пул базасининг таркибий қисми сифатида деярли фақат резервларни ўзгартириш орқали;

в) хусусий омонатчилар хулқ-атворини ўзгартириб;

г) пул базасининг таркибий қисми сифатида ҳам нақд пулни, ҳам резервларни ўзгартириб.

6. Хусусий фирмалар ва аҳолида бўлган пулларнинг умумий миқдори марказий банк балансида қуйидагича кўрсатилади:

а) бу пуллар марказий банк активларига талабни ўзида акс эттирганлиги сабабли, мажбуриятлар сифатида;

б) бу пуллар пул миқдорининг (массасининг) бир қисмини, яъни нақд пуллар ҳисобланган қисмини ташкил этганлиги сабабли активлар сифатида;

в) бу пуллар резервларнинг бир қисми ҳисобланади, яъни улар тижорат банклар томонидан киритилган депозитлар (омонатлар)ни ўзида акс эттирганлиги учун мажбуриятлар сифатида;

г) капитал зҳаракати смети бўлими ичида, чунки улар марказий банк молиялаштириладиган пул маблағларини ўзида акс эттиради;

д) умуман кўрсатилмайди.

7. Агар марказий банк ҳисобот ставкасини оширса, у ҳолда бу чора пул сиёсатининг бир қисми ҳисобланиб, бошқа чоралар билан бирга биринчи навбатда қуйидагига йўналтирилган:

а) тижорат банклари резервлари умумий миқдорини пасайишига;

б) аҳоли жамғармалари миқдорининг ўсишини рағбатлантиришга;

в) марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган қарзлар ҳажмининг ўсишига кўмаклашишга;

г) тижорат банклари резервлари умумий ҳажмини кўпайишига;

д) бошқа мақсадларга эришишга.

8. Марказий банк очик бозорда аҳолидан давлат қимматли қоғозларини кенг кўламда сотиб олишни амалга ошироқда. Бу тадбирнинг асосий мақсади:

- а) тижорат банклари резервининг умумий миқдорини пасайтириш;
- б) аҳоли жамғармалари миқдорининг ўсишини рағбатлантириш;
- в) марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган қарзлар ҳажмини ўсишига кўмаклашиш;
- г) тижорат банклари резервлари умумий ҳажмини кўпайтириш;
- д) бошқа мақсадларга эришиш.

9. Пул сиёсати воситаси сифатида қўлланиладиган ҳисобот ставкасини пасайтириш, чекланган самарага олиб келади. Бу куйидаги сабаблидир:

- а) марказий банк пул миқдорини кўпайтириши мумкин бўлсада, бироқ ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўпайтириш учун зарур бўлган пулларни сарфлашга кишиларни мажбур қила олмайди;
- б) марказий банк сезиларли кўламда ҳисобот ставкасини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас;
- в) марказий банк тижорат банклари томонидан бериладиган қарзлар ҳажмини бевосита назорат қила олмайди;
- г) бундай камайиш асосан тижорат банклари резервларининг кўпайиши билан қопланади, оқибатда ҳисобот ставкасини пасайиш самараси йўқолади;
- д) у акциялар ва облигациялар қийматини пасайишига олиб келади.

10. Агар марказий банк аҳолига катта миқдордаги давлат қимматли қоғозларини сотса, у ҳолда бу тадбир (куйидагиларга олиб келади):

- а) шахсий жамғармалар умумий миқдорини кўпайишига;
- б) тижорат банклари томонидан бериладиган қарзлар ҳажмини камайишига;
- в) тижорат банклари (депозитлари) омонатлари умумий миқдори кўпайишига;
- г) фоиз ставкаси даражаси пасайишига;
- д) муомаладаги пуллар миқдорини кўпайишига.

11. Агар марказий банк аҳолидан катта миқдорда давлат қимматли қозотарини сотиб олса, у ҳолда:

а) тижорат банклар резервлари шаклидаги марказий банк мажбуриятлари кўпаяди;

б) тижорат банкларининг жорий счёtlари камаяди;

в) аҳоли қўлидаги пулинг умумий миқдори камаяди;

г) марказий банкнинг ҳисобот ставкаси ва (ссудалари) қарзлари ҳажми ўсади;

д) марказий банкнинг ҳисобот ставкаси ва (ссудалари) қарзлари ҳажми камаяди.

### **Мустақил иш**

1. Фоиз ставкасини кўпайиши депозитлар (омонат) резерв меъёри (нормаси)га қандай таъсир этиши мумкин? Бу самарани эътиборга олиб, пул таклифи функцияси  $g$  (ордината ўқи) ва  $m/p$

(абцисса ўқи) берилган координатада қандай кўринишда бўлишини графикда кўрсатинг.

2. Фараз қилайлик, Марказий банк пул таклифини жуда паст деб баҳолайди ва уни очик бозорда 100 млн. долларли қимматли қоғозларни сотиб олиш ёрдамида кўпайтиришга қарор қилади. Бу операция марказий банк ва тижорат банклари баланс ҳисоботларида қандай акс этишини кўрсатинг. Агар Марказий банк қимматли қоғозларни банкдан эмас, хусусий шахсдан сотиб олса, жавоб фарқли бўладими?

3. Агар марказий банк очик бозорда 100 млн. долларли давлат облигацияларини сотса ҳаридор эса тижорат банки бўлса, баланс счёtlарида юз берадиган ўзгаришларни кўрсатинг.

### **Мустақил ишлаш учун тестлар**

1. Фараз қилайлик, пул таклифи ва нарх даражаси доимий, пулга бўлган талаб эса даромад ва фоиз ставкасига боғлиқ. Бунда даромад даражаси кўпайганда:

а) пулга бўлган талаб ва фоиз ставкаси ўсади;

б) пулга бўлган талаб ўсади, фоиз ставкаси пасаяди;

в) пулга бўлган талаб ва фоиз ставкаси қисқаради;

г) пулга бўлган талаб қисқаради, фоиз ставкаси кўпаяди.



2. Пулга бўлган талаб қуйидагича ўзгаради:

- а) фоиз ставкаси ўсганда ошади;
- б) фоиз ставкаси пасайганда ошади;
- в) ЯИМ нинг номинал ҳажми ўсишига қараб пасаяди;
- г) ЯИМ нинг номинал ҳажми камайганда пасаяди;
- д) барча олдинги жавоблар нотўғри.

3. Агар пулга бўлган талаб активлар томонидан ўзгарса

- а) фоиз ставкаси ўсганда ошади;
- б) фоиз ставкаси пасайганда ошади;
- в) ЯИМ нинг номинал ҳажми ўсишига қараб пасаяди;
- г) ЯИМ нинг номинал ҳажми камайганда пасаяди;
- д) тўғри жавоб йўқ.

4. «Пулга бўлган талаб» тушунчаси нимани билдиради?

- а) зарурат бўлганда қайд этилган нархлар бўйича пулга осон айланадиган қимматли қўғозларни сақлашга ҳоҳиш;
- б) ушбу фоиз ставкасида тадбиркорлар қарз бериш учун фойдаланишни ҳоҳлаган пуллар миқдори;
- в) «қора кун» учун даромаднинг маълум қисмини ғамлашга ҳоҳиш;
- г) активлар томонидан пулга бўлган талабнинг худди ўзи;
- д) битимлар учун пулга бўлган талаб ва активлар томонидан пулга бўлган талабнинг йиғиндиси.

5. Агар 1 йилда битимлар учун пуллар ўртача 5 марта айланса, айирбошлашга хизмат қилишга зарур пуллар миадорига билдириладиган талаб:

- а) номинал ЯИМ дан 5 марта кўпдир;
- б) номинал ЯИМ нинг 20% ини ташкил этади;
- в) 5/ЯИМ нинг номинал ҳажми нисбатга тенг;
- г) 20% /номинал ЯИМ ҳажми нисбатга тенг;
- д) 20%/5 нисбатга тенг.

6. Агар қонуний томондан фоиз ставкасининг энг юқори миқдори мувозанатли даражадан паст ўрнатилса, унда:

- а) пулга бўлган талаб ҳажми пул таклифига нисбатан кўп бўлади;
- б) пулга бўлган талаб ҳажми пул таклифига нисбатан кам бўлади;
- в) пул таклифи ҳажми ўсиб боради, пулга бўлган талаб эса қисқаради;
- г) пулга бўлган талаб ҳажми ўсиб боради, пул таклифи ҳажми эса қисқаради;
- д) пулга бўлган талаб ҳажми ҳам, Пул таклифи ҳажми ҳам кўпаяди.

7. Агар номинал ЯИМ ҳажми қисқарса, унда:

а) битимлар учун пулга бўлган талаб ва пулга бўлган умумий талаб ўсади;

б) битимлар учун пулга бўлган талаб ва пулга бўлган умумий талаб қисқаради;

в) битимлар учун пулга бўлган талаб ўсади, бироқ пулга бўлган умумий талаб қисқаради;

г) битимлар учун пулга бўлган талаб қисқаради, бироқ пулга бўлган умумий талаб ўсади;

д) битимлар учун пулга бўлган талаб ва пулга бўлган умумий талаб ўзгаришсиз қолади.

8. Агар номинал ЯИМ ҳажми 4000 млрд. долларни, битимлар учун пулга бўлган талаб ҳажми эса 800 млрд. долларни ташкил этса Бунда:

а) активлар томонидан пулга бўлган талаб 3200 млрд. долларни ташкил этади;

б) пулга бўлган умумий талаб 4800 млрд. долларни ташкил этади;

в) ўртача ҳар бир доллар йилига 5 марта айланади;

г) пул таклифи ҳажмини ошириш зарур;

д) активлар томонидан пулга бўлган талаб 4800млрд. долларни ташкил этади.

9. Агар пулга бўлган талаб ва таклиф ўсса, унда:

а) мувозанатли пул миқдори ва мувозанатли фоиз ставкаси ўсади;

б) мувозанатли пул миқдори ва мувозанатли фоиз ставкаси қисқаради;

в) мувозанатли пул миқдори ва мувозанатли фоиз ставкаси қисқаради;

г) мувозанатли фоиз ставкаси ўсади, пул миқдори ўзгаришини эса олдиндан айтиш мумкин эмас;

д) ҳеч нарсани олдиндан айтиш мумкин эмас.

10. Қуйидаги тенгликлардаи қайсиниси баланс ҳисоботларининг негизини ташкил этади:

а) хусусий капитал ва активлар йиғиндиси мажбуриятларга тенг;

б) активлар ва мажбуриятлар йиғиндиси хусусий капиталга тенг;

в) мажбуриятлар ва хусусий капитал йиғиндиси активларга тенг;

г) активлар ва резервлар йиғиндиси хусусий капиталга тенг;

д) қарзлар ва муддатли омонатлар йиғиндиси активларга тенг.

11. Қуйида саналганлардан қайсиниси банк активларини ўзида ифодалайди:

а) талаб қилиб олинандиган омонатлар, акциялар ва резервлар;

б) нақд пуллар, мулк ва резервлар;

в) нақд пуллар, мулк ва акциялар;

г) нақд пуллар, акциялар ва талаб қилиб олинандиган омонатлар;

д) резервлар, қарзлар ва акциялар.

12. Банк тизими томонидан яратилган ва талаб қилиб олинандиган янги омонатларнинг энг кўп ҳажмини  $D$  билан, ортиқча резервлар миқдорини  $E$  билан, пул мультипликаторини  $m$  - билан белгилаймиз. Ушбу ифодалардан қайсиниси тўғри?

а)  $m=E/D$  б)  $D=Em$  в)  $D=E-I$  г)  $D=m/E$  д)  $T-m$

13. Агар мажбурий резервлар меъёри (нормаси) 100% ни ташкил этса, пул мультипликатори миқдори нимага тенг:

а) 0; б) 1; в) 10; г) 100; д) -1

14. Банк тизими кредитларининг энг кўп бўлиши мумкин бўлган ҳажми қуйидагига тенг:

а) ҳақиқий резервлар - ортиқча резервлар;

б) активлар - мажбуриятлар ва хусусий капитал;

в) ортиқча резервларнинг пул мультипликатори миқдорига кўпайтмасига;

г) ортиқча резервларни пул мультипликатори миқдорига бўлинмасига;

д) мажбурий резервларга.

15. Банк тизимининг ортиқча резервлари қуйидагилардан ташкил топади:

а) пул холида бўлмаган, зарур бўлганда пулга тез айланадиган активлардан;

б) банкда сақланаётган ва банк депозитлари ҳажмининг 100% дан кўп бўлган деярли пул активлари ҳисобланган маблағлардан ва пул активларидан;

в) уларга бўлган жорий эҳтиёжлар туфайли эмас, балки қонунга асосан банкда сақланиши лозим бўлган пуллардан;

г) ҳақиқий резервлар ва мажбурий резервлар миқдорлари ўртасидаги фарқ;

д) активлар миқдори ва жорий ҳисоблардаги омонатлар ўртасидаги фарқ.

16. Фараз қилайлик, пулга бўлган талаб  $L^d = kY - hR$  тенглама билан ифодаланган, бу ерда  $k=0,2$  ва  $h=5$ . Агар даромад даражаси 100000 га кўпайса, пулга бўлган талаб эгри чизиғи қандай силжийди?

а) 100000 га ўнгга;

в) 20000 га ўнгга;

б) 500000 га чапга;

г) 20000 га чапга.

17. Агар реал ялпи ички маҳсулот 2 марта кўпайса, пул массаси уларнинг барқарор айланиш тезлигида 80% га ўсса, нарх даражаси билан нима юз беради?

а) нарх даражаси 10% га кўтарилади;

б) нарх даражаси ўзгаришсиз қолади;

в) нарх даражаси 10% га пасаяди;

г) гиперинфляция бошланади.

18. Пулнинг миқдорий назариясига мувофиқ:

а) номинал пул таклифининг ўсиши бошқа тенг шартларда нарх даражасини мутаносиб равишда кўпайишига сабаб бўлади;

б) номинал пул таклифининг ўсиши бошқа тенг шартларда реал ялпи ички маҳсулотнинг мутаносиб равишда кўпайишига сабаб бўлади;

в) реал ифодада пул таклифини кўпайиши бошқа тенг шартларда нарх даражасини мутаносиб равишда ўсишига сабаб бўлади;

г) реал ифодада пул таклифини кўпайиши бошқа тенг шартларда реал ялпи ички маҳсулотни мутаносиб равишда ўсишига сабаб бўлади.

19. Агар номинал пул таклифи 6% кўпайса, нарх даражаси 4% га, ишлаб чиқариш ҳажми эса 3% га ўсса, у ҳолда миқдорий назарияга кўра, даромадлар айланишидаги пуллар айланиш тезлиги:

- а) 13% га кўпаяди;                      в) 3% га кўпаяди;
- б) 7% га кўпаяди;                      г) 1% га кўпаяди.

20. Агар узок муддатли даврда инфляция 6% дан 4% га тушса ва бошқа ҳеч қандай ўзгариш юз бермаса, у ҳолда Фишер самарасига кўра:

- а) номинал ва реал фоиз ставкаси 2 фоиз пунктга пасаяди;
- б) номинал ва реал фоиз ставкаси ўзгармайди;
- в) номинал фоиз ставкаси 2 фоиз пунктига пасаяди, реал фоиз ставкаси эса

аввалги даражада қолади;

г) номинал фоиз ставкаси ўзгармайди, реал фоиз ставкаси эса фоиз пунктига пасаяди.

21. Нақд пулга бўлган талаб:

- а) нарх даражаси ўзгаришига салбий боғлиқдир;
- б) реал фоиз ставкаси ўзгаришига салбий боғлиқдир;
- в) бозор фоиз ставкаси ўзгаришига ижобий боғлиқдир;
- г) юқорида саналганларнинг барчаси нотўғри.

## Мавзу: Товар ва пул бозорларидаги макроиқтисодий

### мувозанат. IS - LM модели

#### Масалалар

1. Иқтисодиёт куйидаги тенгламалар билан ифодаланган:

$$C=300+0,8Y_d$$

$$I=200-1500r$$

$$X_n=100-0,04Y-500R$$

$$M_d=(0,5Y-2000r)P$$

$$G=200$$

$$r=0,2 \text{ (солиққа тортиш ставкаси)}$$

$$M=550 \text{ (номинал пул таклифи)}$$

$$P=1 \text{ (аниқланган нарх даражаси)}$$

а) даромаднинг мувозанатли даражасини ва мувозанатли фоиз ставкасини аниқланг;

б) АД эгри чизиғи тенгламасини келтириб чиқаринг.

2. Иқтисодиёт куйидаги шартлар билан ифодаланади:  $Y=C+I+G$ ,  $C=C(Y-I)=125+0,75(Y-I)$ ;  $I=200-10r$ ;  $G=150$ ;  $T=100$ .

IS тенгламасини келтириб чиқаринг ва графигини чизинг. IS эгри чизиғининг оғиши нима билан аниқланади? Давлат ҳариди 25 га кўпаяди, солиқлар 10 га камаёди. IS ни силжишини график бўйича кўрсатинг ва мувозанатли ЯИМни ўзгариш миқдорини ҳисобланг.

3. Иқтисодиёт куйидаги тенгламалар билан ифодаланган.

Режалаштирилаётган истеъмол  $C=600+0,5(Y-I)-5r$  (г-реал фоиз ставкаси), режалаштирилаётган инвестициялар  $I=45-5r$ .

Пулга бўлган талаб  $M_d=0,5Y-100r^3$  (1- номинал фоиз ставкаси), потенциал  $Y=2210$ , инфляциянинг кутилаётган даражаси  $\pi^e=0,05$ , пул таклифи  $M_S=4320$ , ҳукумат баланслашган бюджетга эга  $T=G=150$ .

## Мустақил ишлаш учун тестлар

1. Агар тадбиркорларнинг инвестицияга талабининг фоиз ставкаси бўйича равонлиги ошса, у ҳолда

- а) LM эгри чизиғи тикка бўлади;
- б) LM эгри чизиғи қияроқ бўлади;
- в) IS эгри чизиғи тикка бўлади;
- г) IS эгри чизиғи қияроқ бўлади.

2. Пулга бўлган талабнинг классик моделида пулларнинг айланиш тезлигини ўзгармаслиги кўзда тутилса, у ҳолда:

- а) LM эгри чизиғи юқорига эгилган;
- б) LM эгри чизиғи пастга эгилган;
- в) LM эгри чизиғи ётиқ (горизонтал);
- г) LM эгри чизиғи тик (вертикал).

3. LM эгри чизиғини қуришнинг назарий шарт-шароитларини ҳисобга олиб, келтирилган мулоҳазалардан қайсиниси тўғри ҳисобланишини аниқланг:

а) LM эгри чизиғи ўнгга-юқорига эгилган ва ушбу даромад даражаси учун қурилган;

б) LM эгри чизиғи ўнгга-пастга эгилган ва нархни ошиши уни юқорига силжитади;

в) LM эгри чизиғи ўнгга-юқорига эгилган ва ушбу пул таклифи учун қурилган;

г) LM эгри чизиғида товар ва хизматларни сотиб олишга ҳақиқий ҳаражатлар режадаги ҳаражатларга тенг.

4. IS-LM моделида давлат ҳаридини камайиши қандай акс этади?

- а) даромад ҳажми ортади;
- б) даромад ҳажми камаяди;
- в) пул таклифи ортади;
- г) фоиз ставкаси ортади.

5. IS-LM моделида давлат ҳаридини ортиши қандай акс этади?

- а) даромад ҳажми ортади;
- б) даромад ҳажми камаяди;

в) пул таклифи ортади;

г) фоиз ставкаси камаяди.

6. IS-LM моделида корпорациялар фойдасига солиқларнинг камайиши қуйидагига олиб келади:

а) даромад ҳажмини ортишига;

б) даромад ҳажмини камайишига;

в) пул таклифини камайишига;

г) фоиз ставкаси камайишига.

7. IS-LM моделини қуриш қуйидаги шарт-шароитларга асосланади:

а) пулга талаб даромад ва фоиз ставкасининг функцияси ҳисобланади;

б) жамғарма ҳажми жамғарилган мулк ва фоиз ставкаси миқдорида аниқланади;

в) истеъмол ҳажми ихтиёрдаги даромад миқдorigа боғлиқ эмас;

г) инвестициялар ҳажми пул таклифининг функцияси ҳисобланади.

8. Агар LM эгри чизиги қияроқ бўлса, унда:

а) жамғармаларга чекланган мойиллик юқори бўлади;

б) даромад бўйича пулга талабнинг раvонлиги камаяди;

в) фоиз ставкаси бўйича пулга талабнинг раvонлиги камаяди;

г) даромад бўйича пулга талабнинг раvонлиги кўпаяди.

9. IS эгри чизиги тиккароқ бўлиши мумкин, агар:

а) жамғармаларга чекланган мойиллик кўпайса;

б) жамғармаларга чекланган мойиллик камайса;

в) солиқ ставкаси қисқарса;

г) давлат харидлари миқдори ошса.

10. IS эгри чизиги қияроқ бўлиши мумкин, агар:

а) жамғармаларга чекланган мойиллик кўпайса;

б) солиқ ставкаси ўсса;

в) солиқ ставкаси қисқарса;

г) давлат харидлари миқдори пасайса.

11. Агар инвестициялар фоиз ставкасига нисбатан таъсирчанроқ бўлса, унда:



- а) IS эгри чизик тиккароқ бўлади;
- б) IS эгри чизик қияроқ бўлади;
- в) LM эгри чизик қияроқ бўлади;
- г) LM эгри чизик тиккароқ бўлади.

12. Агар даромад даражаси ўсса, фоиз ставкаси миқдори ҳукумат харидлари ҳажми кўпайиши оқибатида қисқарса, унда:

- а) 15 эгри чизик тик(вертикал) чизик бўлиши лозим;
- б) 1M эгри чизик тик(вертикал) чизик бўлиши лозим;
- в) марказий банк бир вақтда пул таклифини оширди;
- г) марказий банк бир вақтда пул таклифини қисқартиради.

13. IS-LM эгри чизиклари кесишган нуқтада:

- а) режалаштирилаётган ҳаражатлар ҳақиқий ҳаражатларга тенг;
- б) ҳақиқий пул таклифи ҳақиқий пулга бўлган талабга тенг;
- в)  $Y$  ва  $R$  даражаси ҳам товарлар бозоридаги, ҳам пул бозоридаги мувозанат

шартларини қониқтиради;

- г) юқорида саналганларнинг барчаси тўғри.

14. Солиқ ставкаси ( $t$ ) ва муомаладаги пул миқдори ( $M$ ) ўзгариши натижасида фоиз ставкаси ( $R$ ) ўзгармади, даромад эса ўсди. Шунини таъкидлаш мумкин:

- а)  $M$  ўсди,  $t$  эса камайди;
- б)  $t$  ва  $M$  ўсди;
- в)  $M$  ўсди,  $t$  бўйича бир хил хулоса қилиб бўлмайди;
- г)  $M$  камайди,  $t$  ўсди.

15. Агар давлат ҳаражатлари ( $G$ ) ва муомаладаги пул миқдори ( $M$ ) ўзгариши натижасида фоиз ставкаси ( $R$ ) ўзгармаса даромад ( $Y$ ) эса камайса, унда шунини таъкидлаш мумкин:

- а)  $M$  ўсди,  $G$  эса камайди;
- б)  $G$  ва  $M$  ўсди;
- в)  $M$  камайди,  $G$  эса ўсди;
- г)  $M$  ва  $G$  ё бир вақтда ўсди, ёки камайди.

16. IS-LM моделига мувофиқ, агар ҳукумат солиқларни оширса, марказий банк эса фоиз ставкасини ўзгаришсиз сақлашни хоҳласа, у ҳолда у:

- а) пул таклифини кўпайтириши лозим;
- б) пул таклифини камайтириши лозим;
- в) пул таклифини аввал кўпайтириши, кейин эса камайтириши лозим;
- г) пул таклифини аввал камайтириши, кейин эса кўпайтириши лозим.

17. Қандай ҳолда сиқиб чиқариш самараси юзага келиши энг ҳақиқатга яқиндир?

а) пул таклифини камайиши фоиз ставкасини оширади ва унга таъсирчан хусусий бўғиндаги ҳаражатлар сиқиб чиқарилади;

б) хусусий бўғинда солиқларни ошиши ихтиёридаги даромадни ва бу бўғиндаги ҳаражатларни камайтиради;

в) даромад солиқларини пасайиши фоиз ставкасини ошишига олиб келади ва унга таъсирчан хусусий бўғиндаги ҳаражатлар сиқиб чиқарилади;

г) давлат ҳаражатларини қисқариши истеъмол ҳаражатларини мажбуран қисқартиришга сабаб бўлади.

18. IS эгри чизик ўнгга силжийди, агар:

а) истеъмолчиларнинг иқтисодий вазият яхшиланишига ишончи ошса;

б) фирмалар иқтисодиёт келажагига нисбатан умидворроқ бўладилар ва ҳар бир фоиз ставкасида инвестициялар ҳажмини оширишга қарор қабул қиладилар;

в) ҳукумат трансферт тўловлари ҳажмини оширади;

г) юқорида айтилганларнинг барчаси тўғри.

19. LM эгри чизиғига нисбатан қуйидаги мулохазалардан қайсиниси тўғри ҳисобланади?

а) LM эгри чизиғи юқорига эгилган ва даромаднинг ушбу даражаси учун қурилган;

б) LM эгри чизиғи пастга эгилган ва нарх даражасини ўсиши уни юқорига силжитади;

в) LM эгри чизиғи юқорига эгилган ва ҳақиқий пул қолдиқларининг ушбу даражаси учун қурилади;

г) LM эгри чизиғи ҳар қандай нуқтасида ҳақиқий ҳаражатлар режалаштирилган ҳаражатларга тенг.

### Мустақил иш

1. Истеъмол функцияси  $C=200+0,75(Y-T)$  кўринишида берилган. Инвестиция функцияси  $I=200-25K$ . Давлат ҳаражатлари ва солиқлар ҳар бири 100 га тенг. Фоиз ставкаси 0 дан 8 гача бўлган ораликда ушбу иқтисодиёт учун  $^2S$  эгри чизиғини чизинг.

2. Пулга талаб функцияси  $D_m=Y-100R$  кўринишига эга. Пул таклифи  $M$  1000 га тенг, нарх даражаси ( $P$ ) эса 2 га тенг.  $R$  0 дан 8 гача ораликда бўлганда ушбу иқтисодиёт учун LM эгри чизиғини чизинг.

3. 1 чи ва 2 чи масалалардан олинган  $^2S$  ва LM эгри чизиқларни бирлаштиринг:

а) мувозанатли фоиз ставкасини ва даромад даражасини топинг;

б) фараз қилайлик, давлат ҳаражатлари 100 дан 150 гача ўсади.  $^2S$  эгри чизиқ қанчага ва қайққа силжийди? Қандай янги мувозанатли фоиз ставкаси ва даромад даражаси ўрнатилади?

в) фараз қилайлик, пул таклифи 1000 дан 1200 гача ўсди. LM эгри чизиғи қанчага силжийди. Қандай янги мувозанатли фоиз ставкаси ва даромад даражаси ўрнатилади?

г) агар нарх даражаси 2 дан 4 гача ўсса (ўша берилган шартларда) графикда нима юз беради? Қандай янги мувозанатли фоиз ставкаси ва даромад даражаси ўрнатилади?

д) ялпи талаб эгричизиғининг тенгламасини келтириб чиқаринг ва унинг графигини куринг.

4. IS-LM моделига мувофиқ фоиз ставкаси, даромад даражаси, истеъмол ҳажми ва инвестициялар ҳажми билан нима юз беради, агар:

а) IS ва LM тенгламаларини келтириб чиқаринг. IS-LM модели графигини чизинг;

б) мувозанатли ялпи ички маҳсулот ( $Y$ ), реал фоиз ставкаси ( $r$ ), истеъмол ҳаражатлари ( $C$ ) ва ялпи ички инвестициялар ( $I$ ) миқдорини аниқланг;

в) пул таклифи 4752 гача ўсади, а) бандни такрорланг. Ўзгаришни графикда кўрсатинг;

г) пул таклифи дастлабки даражада  $MS=4320$  қолади, давлат хариди эса 190 гача кўпаяди, а) бандни такрорланг. Ўзгаришни графикда кўрсатинг.

4. Иқтисодиёт куйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

$$Y=C+I+G+NX$$

$$C=100+0,9Y_d$$

$$I=200-500R$$

$$NX=100-0,1Y-500R$$

$$M=(0,8Y-2000R)P$$

$$G=200$$

$$T=0,2$$

$$MS=800$$

$$P=1$$

а) IS ва LM эгри чизикларининг тенгламасини келтириб чиқаринг;

б) даромаднинг ( $Y$ ) мувозанатли ҳажмини ва мувозанатли фоиз ставкасини ( $R$ ) ҳисобланг;

в) истеъмол ҳаражатлари ( $C$ ), инвестициялар ( $I$ ) соф экспорт ( $NX$ ) даражасини ҳисобланг;

г) АД эгри чизик тенгламасини келтириб чиқаринг;

д) давлат ҳаражатларини ( $G$ ) 100 млн. сўмга кўпайишига олиб келувчи сиқиб чиқариш самараси миқдорини ҳисобланг.

5. Айтайлик, ҳукумат давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва инфляция даражасини пасайтириш учун солиқларни оширяпти. IS-LM моделини қўллаб, фоиз ставкаси ўзгармаслиги учун марказий банк қандай чора-тадбирларни қўллаши лозимлигини графикда кўрсатинг.

**Мавзу: Очик иқтисодиётда макроиқтисодий мувозанат**

1. Россия 360 экскаватор ва 2400 трактор, Украина эса 160 экскаватор ва 800 трактор ишлаб чиқаришади. Агар Россия фақат экскаватор ишлаб чиқарганда, уларнинг ҳажми йилига 600 донани, агар фақат трактор ишлаб чиқарганда, уларнинг ҳажми йилига 6000 донани ташкил этарди. Мос равишда Украина ё 200 экскаватор ёки 4000 трактор ишлаб чиқариши мумкин. Бу маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қайси мамлакат мутлоқ ва нисбий афзалликка эга? Иккала мамлакат учун ихтисослашув қандай манфаатларни беради?

2. Жадвалда А ва Б мамлакатлардаги бозорларнинг тавсифи берилган ( $P$  - нарх,  $Q_d$  - талаб,  $Q_s$  - таклиф). Шу маълумот асосида эркин савдо шароитидаги  $X$  товарнинг жаҳон нарhini аниқланг. Мамлакатлардан қайси бири  $X$  товарни экспорт қилади, экспорт ҳажмини аниқланг.

	А мамлакат	Б мамлакат
$P$	1 2 3 4 5	1 2 3 4 5
$Q_d$	5 4 3 2 1	6 5 4 3 2
$Q_s$	2 3 4 5 6	5 6 7 9 10

3. А мамлакатда бир кунда 12 уяли телефон ёки 2 мусиқа маркази ишлаб чиқарилиши мумкин. В мамлакатда эса бир кунда 4 уяли телефон ёки 8

муסיқа маркази ишлаб чиқарилиши мумкин. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

а) Савдо бқлмаган шароитда иккала мамлакатдаги нисбий нархларни аниқланг;

б) Савдо муносабатлари ўрнатилганда иккала мамлакат нимани экспорт қилади;

в) Мамлакатлар ўртасида савдо муносабатлари ўрнатилгандан кейин жаҳон нархлари қандай чегараларда ўзгаради;

г) Фараз қилайлик эркин савдо ўрнатилишдан олдин А мамлакатнинг бир кунлик ишлаб чиқариш ҳажми 8 уяли телефон ва 0,5 муסיқа марказига тенг эди. В мамлакатнинг ишлаб чиқариш ҳажми мос равишда 1 уяли телефон ва 6 муסיқа марказига тенг. Ўар бир мамлакатнинг нисбий афзаллик асосида ихтисослашуви натижасида иккала маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми қанчага ошади.

4. Жадвалда Ўзбекистон ва Жанубий Кореядаги калькуляторларга бўлган талаб ва таклиф тўғрисида маълумот берилган.

а) ташқи савдо йўқлигида иккала мамлакатда мувозанат нархлар ва бозордаги маҳсулот ҳажми қандай бўлади?

б) Ташқи савдо ўрнатилгандан кейин калькуляторларнинг жаҳон бозорида мувозанат нархи қандай бўлади?

в) қайси мамлакат ва қай миқдорда калькуляторларни экспорт қилади?

Калькуляторларнинг нархи (бир дона учун долл.)	Ўзбекистонда талаб миқдори (минг дона)	Ўзбекистонда таклиф миқдори (минг дона)	Жанубий Кореяда талаб миқдори (минг дона)	Жанубий Кореяда таклиф миқдори (минг дона)
5	100	0	80	30
7	80	20	50	50
10	70	40	35	65
15	60	60	20	80
20	50	70	10	90
25	35	85	5	100
30	20	100	0	110

## Мавзу: Ташқи савдо сиёсати

1. Мамлакат ҳукумати автомобилларга импорт квотани бир йилга 600 донадан иборат киритган. Автомобилларга жаҳон нархи бир дона учун 6000 долл. Мамлакатда квота киритилгандан кейин ички нарх бир дона учун 7000 долларгача кўтарилди. Эркин савдо шароитида автомобилларнинг ички ишлаб чиқариш ҳажми йилига 1200 донани, квота киритилгандан кейин эса - йилига 1400 донани ташкил этади. Эркин савдо шароитида автомобилларнинг ички истеъмоли йилига 2200 донани, квота киритилгандан кейин эса - йилига 2000 донани ташкил этади.

Қуйидагиларни аниқланг:

- а) квота киритилишидан ишлаб чиқарувчиларнинг ютуғи;
- б) бу чора натижасидаги истеъмолчиларнинг йўқотишлари;
- в) давлат бюджети даромадларининг ошиши;
- г) миллат фаровонлигининг соф йўқотишлари.

2 Мамлакат болалар трикотажини экспорт қилади. Жаҳон бозорида унинг бир дона учун нархи 3 долл. Мамлакатдаги бу маҳсулотга бўлган таклиф эгри чизиги қуйидаги тенглама билан белгиланади  $S = 800 + 200P$ , талаб эгри чизигининг кўриниши эса қуйидагича:  $D = 700 - 200P$ . Мамлакат ҳукумати экспорт тарифини киритгандан кейин ички нарх бир донага 2 долл.ни ташкил этди. Экспорт тарифининг қуйидагиларга таъсирини аниқланг:

- а) истеъмолчиларнинг фаровонлигига;



б) трикотаж ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларига (йўқотишларига), экспорт ҳажмига;

в) давлат бюджетининг даромадларига;

г) миллат фаровонлигига.

3 Мамлакат ҳукумати шакарга 10%ли импорт тариф киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Жаҳон бозорида унинг нархи бир тонна учун 200 долл. Мамлакатдаги бу маҳсулотга бўлган таклиф эркин савдо шароитида 6 млн. т., тариф борлигида эса - 8 млн. т.ни ташкил этади. Ички истеъмол ҳажми эркин савдо шароитида - 22 млн. т., тариф борлигида эса - 20 млн. т.ни ташкил этади. Шунга мувофиқ импорт ҳажми эркин савдо шароитида - 16 млн. т., тариф борлигида - 12 млн. т.ни ташкил этади. Импорт тарифи киритилишининг оқибатларини аниқланг:

а) Истеъмолчиларнинг йўқотишларини;

б) миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ютуқларини;

в) давлат бюджетининг даромадларини;

г) миллат фаровонлигининг соф йўқотишларини.

4. Россия енгил спорт самолётларидан бир йил ичида 70 дона ишлаб чиқаради. Улардан 20 донасини истеъмол қилиб, 50 донасини экспорт қилади. Эркин савдо шароитида бир самолётнинг нархи - 6000 долл. Тармоқни рағбатлантириш мақсадида ҳукумат ҳар бир самолёт қийматидан 15% миқдорида субсидия ажратади. Натижада самолётнинг ички нархи 6450

долларгача ошиб, экспорт нархи эса 5550 долларгача пасаяди. Экспорт ҳажми 70 дона самолётгача ққпаяди. Субсидиянинг киритилиши ички ишлаб чиқариш, экспорт ва истеъмол ҳажмларига ҳамда бюджет даромадларига қандай таъсир этганлигини аниқланг.

5 Жадвалда берилган маълумот асосида фирмалардан қайси бири демпинг қўллашда айбланиши мумкинлигини аниқланг:

	Товар бирлигининг таннархи, долл.	Ички нарх, долл.	Экспорт нархи, долл.
Фирма А	100	100	110
Фирма Б	100	120	110
Фирма С	100	90	105

6 Мамлакатнинг иқтисодиёти қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

Товарлар экспорти	29700 млн. сўм
Товарлар импорти	31700 млн. сўм
Чет элга қўйилган инвестициялардан олинган фоиз шаклларидаги даромадлар	4600 млн. сўм
Чет эллик инвесторларга фоиз тқловлари	2400 млн. сўм
Туризмдан олинган мамлакатнинг даромадлари	2700 млн. сўм
Мамлакатнинг бир томонли трансферт тўловлари	3500 млн. сўм
Мамлакатдан капиталнинг чиқиб кетиши	5200 млн. сўм
Чет эл туризмга мамлакат резидентларининг харажатлари	2800 млн. сўм
Мамлакатга капиталнинг оқиб келиши	8600 млн. сўм

Бу маълумотлар асосида жорий ҳисобнинг қолдиғини аниқланг.

7 Мамлакатнинг иқтисодиёти қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

Товарлар экспорти	29700 млн. сўм
Товарлар импорти	31700 млн. сўм
Чет элга қўйилган инвестициялардан олинган фоиз шаклларидаги даромадлар	4600 млн. сўм
Чет эллик инвесторларга фоиз тўловлари	2400 млн. сўм
Туризмдан олинган мамлакатнинг даромадлари	2700 млн. сўм
Мамлакатнинг бир томонли трансферт тўловлари	3500 млн. сўм
Мамлакатдан капиталнинг чиқиб кетиши	5200 млн. сўм
Чет эл туризмга мамлакат резидентларининг харажатлари	2800 млн. сўм
Мамлакатга капиталнинг оқиб келиши	8600 млн. сўм

Бу маълумотлар асосида капитал ҳаракати ҳисобининг қолдиғини аниқланг.

8 Мамлакатнинг иқтисодиёти қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

Товарлар экспорти	29700 млн. сўм
Товарлар импорти	31700 млн. сўм
Чет элга қўйилган инвестициялардан олинган фоиз шаклларидаги даромадлар	4600 млн. сўм
Чет эллик инвесторларга фоиз тўловлари	2400 млн. сўм
Туризмдан олинган мамлакатнинг даромадлари	2700 млн. сўм
Мамлакатнинг бир томонли трансферт тўловлари	3500 млн. сўм
Мамлакатдан капиталнинг чиқиб кетиши	5200 млн. сўм
Чет эл туризмга мамлакат резидентларининг харажатлари	2800 млн. сўм
Мамлакатга капиталнинг оқиб келиши	8600 млн. сўм

Бу маълумотлар асосида тўлов балансининг қолдиғини аниқланг.

9 Очiq иқтисодиётдаги соф инвестицияларнинг миқдори - 1750 млн. сўм, уй хўжаликларнинг жамғармалари - 1625 млн. сўм, давлат бюджетининг ортиқчалиги - 425 млн. сўм. Бу маълумотлар асосида товар ва хизматларнинг соф экспортини аниқланг.

10 Очiq иқтисодиётдаги истеъмол функцияси:

$C = 50 + 0,8(Y - T)$ , инвестиция функцияси:  $I = 160 - 5r$ . Истеъмол харажатлари - 850 млн. сўм, реал фоиз ставкаси 6% га тенг, давлат жамғармалари 20 млн. сўм. Капитал ҳаракати ҳисобининг қолдиғини (ёки ортиқлигини) аниқланг.

11 Фараз қилайлик, маркага нисбатан долларнинг курси 1:3, яъни бир хил товар АҚШда масалан 400 доллар турса, Германияда бу товарнинг нархи

1200 марка бўлади. Агар долларнинг курси сунъий равишда 1:2 гача пасайса, қайси экспорт қилувчи қўшимча даромад олади (АҚШ ёки Германия)? Бу қўшимча даромаднинг ҳажмини аниқланг.

12 Фараз қилайлик, Б мамлакатнинг ҳукумати ўз валюта курсини А мамлакатнинг миллий валютага нисбатан барқарорлаштириб олмоқчи. А мамлакатдаги инфляциянинг суръати йилига 5%ни ташкил этади.

а) Б мамлакатда бу мақсадга эришиш учун инфляция суръати қандай бўлиши керак?

б) Узоқ муддатли даврда пул айланиш тезлиги ўзгармаса ва ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 3%ни ташкил этса, валюта курсини барқарорлаштириш учун пул массасининг ўсиш суръатлари қандай бўлиши керак?

13 Қуйидаги жадвалда Еврога бўлган талаб ва таклиф келтирилган:

Евронинг баҳоси (долларда)	Еврога бўлган талаб (млн. евро)	Евронинг таклифи (млн. евро)
1,5	200	300
1,4	220	270
1,3	240	240
1,2	260	210
1,1	280	180

а) Доллар ва Евронинг барқарор валюта курсларини аниқланг.

б) Валюта бозорида доллар ва Евро қандай ҳажмда сотиб олинади?

14 Фараз қилайлик, персонал компьютернинг нархи АҚШда 1000 доллар, Германияда эса 4000 марка. Агар номинал айирбошлаш курси 2 марка = 1

долларни ташкил этса, унда Америка долларининг реал айирбошлаш курси қандай бўлади.

15 Харид қобилияти паритетига кўра агар Францияда телевизор 500 евро ва Хитойда 2000 юанга сотилса, унда номинал айирбошлаш курси - бир бирлик евронинг юан миқдорида ифодаланган баҳоси - қандай бўлади?

16 Ўзбекистонда бир йиллик инфляция суръати -7%, Қозоғистонда номинал фоиз ставкаси 16%ни, бир йиллик инфляция суръати эса 12%ни ташкил этади. Бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга капитал қуйилиши бўлмаслиги учун Ўзбекистонда номинал фоиз ставкаси нечага тенг бўлиши керак?

17 Б мамлакатнинг ҳукумати ўз валютасининг айирбошлаш курсини А мамлакатнинг миллий валютасига нисбатан барқарорлаштириб олмақчи. А мамлакатдаги бир йиллик инфляция суръати 5%ни ташкил этади.

а) бу мақсадга эришиш учун Б мамлакатдаги инфляция суръати қандай бўлиши керак?

б) муомаладаги пул айланиш тезлиги ўзгармаса ва реал ишлаб чиқариш ҳажмининг бир йиллик ўсиш суръати 3%ни ташкил этса, узоқ муддатли даврда валюта курсини барқарорлаштириш учун пул массасининг ўсиш суръати қандай бўлиши керак?

18 Кичик даражали очиқ иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

Миллий даромад - 1000 млрд. долл., истеъмол харажатлари - 700 млрд. долл., давлат харидлари - 150 млрд. долл., инвестиция функцияси -  $I = 250 - 10r$ . Жаҳон фоиз ставкаси - 5%. Мамлакатнинг соф экспортини аниқланг.

19 Кичик даражали очиқ иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

Истеъмол харажатлари - 500 млрд. долл., давлат харидлари - 75 млрд. долл., инвестиция функцияси:  $I = 200 - 8r$ . Жаҳон фоиз ставкаси - 5%, соф экспорт : -25 млрд. долл. Мамлакатнинг миллий даромадини аниқланг.

20 Кичик даражали очик иктисодиётда сузиб юрүвчи валюта курси шароитида LM эгри чизигининг кўриниши:

$$LM: Y = 200r - 200 + 2(M/P)$$

IS эгри чизигининг кўриниши эса:

$$IS: Y = 400 + 3G - 2T + 3X_n - 200r.$$

Соф экспорт функцияси:  $X_n = 200 - 100e$ , бу ерда  $e$  - реал валюта курси.

Нархлар даражаси қайд этилган  $P = 1$ , реал жаҳон фоиз ставкаси  $r = 2,5\%$ .

Пул таклифи  $M = 100$  млн. долл. Давлат бюджети баланслаштирилган:  $G = T = 100$ . Товар ва пул бозорларидаги мувозанатга эришиш учун реал валюта курси нечага тенг бўлиши керак?

21 Ўзбекистонда ишчи бир кунда 6 метр шойи ёки 1 кг ёғ ишлаб чиқариши мумкин. Қозоғистонда ишчи бир кунда 2 метр шойи ёки 4 кг ёғ ишлаб чиқариши мумкин бўлса

а) ушбу мамлакатларда савдо-сотиқ амалга оширилмаганда нисбий нархлар қандай бўлади?

б) савдо муносабатлари ўрнатилгач, мамлакатлар нималарни олиб чиқади?

в) мамлакатлар ўртасида савдо муносабатлари ўрнатилгандан сўнг жаҳон нархларини тебраниш чегаралари қандай бўлиши мумкин?

22 Иқтисодиёт куйидаги маълумотлар билан ифодаланган.

Товарлар экспорти	19650\$
Товарлар импорти	21650\$
Мамлакат фуқаролари ҳорижий	
Инвестициялардан оладиган даромад	3700\$
Мамлакатнинг ҳорижий инвесторларга	
фоизлар кўринишида тўлайдиган даромади	1400\$
Хизматлар экспорти	1900\$



Хизматлар импорти 1750\$

Мамлакатнинг бир томонлама трансфертлари 2400\$

Капитални мамлакатдан чиқиб кетиши 4200\$

Капиталнинг мамлакатга кириб келиши 6600\$

Ушбу маълумотларга асосланиб, жорий счётлар қолдиғини, капитал ҳаракати счётлари қолдиғини ва мамлакат тўлов баланси қолдиғини ҳисобланг.

Мамлакат расмий валюта резервлари миқдори қандай ўзгаради?

5,1